

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

32-сон
(1000)
2021 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

470. «Транспорт тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 августдаги ЎРҚ–706-сон Қонуни

471. «Расмий статистика тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 11 августдаги ЎРҚ–707-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

472. «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ–6275-сон Фармони

473. «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги ПФ–6277-сон Фармони

474. «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ–5215-сон қарори
475. «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ–5216-сон қарори
476. «Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ–5217-сон қарори
477. «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги ПҚ–5220-сон қарори
478. «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иқтисодий тадқиқотлар сифати ва ролини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 августдаги ПҚ–5223-сон қарори

Учинчи бўлим

479. «Худудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 504-сон қарори
480. «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 509-сон қарори

Бешинчи бўлим

481. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 26 июлдаги 13-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-5*)
482. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 5 ав-

густдаги 239-сон «Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалар вакилларини жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1425-1*)

483. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 15 июлдаги 17/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 841-2*)

484. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 15 июлдаги 17/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3317*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****470** **Транспорт тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 3 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади транспорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун транспортга оид фаолиятни тижорат асосида амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

қувур транспорти фаолияти ва электр узатиш линиялари орқали электр энергиясининг олиб ўтилиши;

транспортга оид бўлмаган ишларни бажариш учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари фаолияти;

идоравий йўловчи ташиш транспортининг, шунингдек беғараз асосда ташишларни амалга оширадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолияти;

ҳарбий, ҳарбий-ёрдамчи, чегарани қўриқлайдиган кемаларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юкларни ва ҳарбий таркибларни транзит ташишларни амалга ошириш фаолияти;

экспериментал ва давлат авиациясининг фаолияти;

хусусий мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларга кўра, ташишларни ўзларига тегишли бўлган транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда беғараз асосда ва шахсий эҳтиёжларини қаноатлантириш учун амалга оширадиган жисмоний шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

3-модда. Транспорт тўғрисидаги қонунчилик

Транспорт тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг транспорт тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аралаш ташиш — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини бутун ҳаракатланиш йўли учун расмийлаштирилган ягона ташиш ҳужжати бўйича ҳар хил турдаги транспортда ташиш;

аралаш ташишлар оператори — ташишни ташкил этувчи ҳамда ташиш учун ўзи жалб қилган барча ташувчилар ва учинчи шахслар учун жавобгарликни ўз зиммасига олувчи юридик шахс;

мижоз — ташувчи ёки аралаш ташишлар оператори билан тузилган шартнома асосида транспорт хизматларидан фойдаланадиган жисмоний ёки юридик шахс (йўловчи, юк жўнатувчи, юк олувчи, фрахтовчи);

ташиш — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш пунктидан етказиш пунктига ташиш;

ташишлар хавфсизлиги — техноген (техник ва технологик) хусусиятга эга таҳдидлардан транспорт воситаси ҳаракатланиш жараёнининг ҳамда транспорт воситасининг ўзининг ҳимояланганлик ҳолатини таъминлаш бўлиб, бунда ташишлар хавфсизлигига оид қоидабузарликлар ва уларнинг фуқаролар ҳаётига ёки соғлигига, жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига, атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўладиган оқибатлари юзага келишининг йўл қўйилмайдиган хавфи мавжуд бўлмайди;

ташиш ҳужжати — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқлайдиган, чипта, багаж квитанцияси, товар-транспорт юк хати, электрон ахборот ташувчи карта ёки бошқа ахборот ташувчи тарзидаги ҳужжат;

ташувчи — мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда транспорт воситасига эга бўлган, йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш бўйича тижорат асосида хизматлар кўрсатадиган, шунингдек ташиш учун тегишли лицензияга, сертификатга ёхуд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

транзит транспорт йўлаги — транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналиши бўлиб, унда транзит юкларни ташишни амалга ошириш учун транзит транспорт йўлагининг паспортида кўрсатилган техник, технологик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилади ҳамда бундай юклар ва

транспорт воситаларига нисбатан божхона операцияларини бажаришнинг содалаштирилган тартиби қўлланилади;

транспорт — қатнов йўлларининг, транспорт воситаларининг, қатнов йўлларидаги техник қурилмалар ва иншоотларнинг йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш жараёнини таъминлайдиган барча турлари йиғиндиси;

транспорт воситалари — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш учун мўлжалланган қурилмалар;

транспорт инфратузилмаси объектлари — йўловчиларга, юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга, ташувчиларга ва ташиш жараёнининг бошқа иштирокчиларига хизмат кўрсатиш, шунингдек транспорт воситаларининг ишлашини таъминлаш учун мўлжалланган иншоотлар, ишлаб чиқариш-технологик мажмуалар;

транспорт логистикаси — йўловчилар, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларининг олиб ўтилиши ва ташилишини ташкил қилиш билан боғлиқ вазифаларнинг комплекс ва ўзаро боғлиқ ҳал этилиши;

транспорт-логистика маркази — транспорт инфратузилмаси объекти, у ташиш билан турдош бўлган тайёргарлик ва тақсимлаш хизматларини, шу жумладан юкларни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва тарқатиш хизматларини ҳамда юк ва транспорт воситалари билан бошқа операцияларни бажариш учун мўлжалланган иншоотлар жойлашган махсус ажратилган майдонни ўз ичига олади;

транспорт мажмуи — транспорт ташкилотлари, ташувчилар, транспорт инфратузилмаси объектлари, транспорт воситалари, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек транспорт соҳаси ходимларига ижтимоий-маиший ҳамда маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотлар мажмуи;

транспорт ташкилоти — транспортга оид фаолиятни амалга оширадиган юридик шахс;

транспортга оид фаолият — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув транспортида ёки ушбу транспорт турлари уйғунлигида ташиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича ташкилий ва технологик операцияларни ҳамда шартнома асосида ёки бошқа қонуний асосларда бажариладиган хизматлар билан боғлиқ фаолият;

транспорт хавфсизлиги — транспорт мажмуининг қонунга хилоф аралашувдан ҳимояланганлик ҳолати ҳамда унинг одатдаги режимда ва фавқулодда вазиятлар ҳолларида барқарор ишлашининг таъминланганлиги;

халқаро ташиш — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ҳар қандай турдаги транспорт воситасида икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудлари бўйлаб амалга ошириладиган ташиш, шунингдек юксиз транспорт воситасининг икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудлари бўйлаб ўтиши;

ягона товар-транспорт юк хати — товар-моддий қимматликларни ҳисобдан чиқариш, уларни олиб ўтиш йўлида ҳисобини юритиш, кирим қилиш, омборхона операцияларини ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек юкни ташиш учун ҳисоб-китоблар қилиш ҳамда бажарилган ишларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган, барча аралаш ташиш иштирокчилари учун ягона бўлган ташиш ҳужжати.

5-модда. Транспортга оид фаолиятнинг асосий принциплари

Транспортга оид фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- хавфсизлик;
- экологик тозалик;
- транспорт хизматларидан фойдалана олиш;
- очиқлик ва шаффофлик.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг транспорт тизими

Автомобиль, ҳаво, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва транспорт инфратузилмаси объектлари Ўзбекистон Республикасининг ягона транспорт тизимини (бундан буён матнда транспорт тизими деб юритилади) ташкил этади.

2-боб. Транспорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

7-модда. Транспорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Транспорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

транспорт соҳасида давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

транспорт тизимини мамлакат иқтисодиётининг стратегик сектори сифатида ривожлантириш;

транспорт хизматларининг рақобатбардошлилигини, улардан фойдалана олишни, уларнинг самарадорлиги ва сифатини, хавфсизлиги ва экологик тозаллигини ошириш;

транспорт соҳаси бошқарувини такомиллаштириш ва ҳар хил транспорт турларининг ўзаро боғлиқ тарзда ишлашини таъминлаш, шунингдек самарали тариф сиёсатини юритиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш;

ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва транспорт мажмуини халқаро транспорт тизимига уйғунлаштириш.

8-модда. Транспорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Транспорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш лицензиялаш, сертификатлаштириш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини қўллаш, техник жиҳатдан тартибга солиш, илмий-техник сиёсатни амалга ошириш, солиқ солиш, тариф сиёсатини, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга ташишлар учун тариф сиёсатини олиб бориш, транспорт тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлаш, кадрлар сиёсатини олиб бориш, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа тартибга солиш усулларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари транспорт ташкилотларининг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳамда ушбу ташкилотларнинг ишлаётган ходимларини бошқа ишларга жалб этишга ҳақли эмас, бундан табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар юзага келган, фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳоллар мустасно.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг транспорт соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

транспорт соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг транспорт соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

транспорт тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди, транспорт соҳасида давлат дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

транспорт соҳасидаги илмий-техникавий ва инвестициявий фаолиятни ташкил этади;

транспорт инфратузилмаси шакллантирилишини ва унинг самарали ишлашини таъминлайди;

транспорт соҳасидаги лицензиялаш, сертификатлаштириш, рухсат этиш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди;

транспорт инфратузилмаси объектлари ва транспорт воситалари тоифалари сонини ҳамда уларни тоифалаш мезонларини белгилайди;

транзит транспорт йўлаклари рўйхатини тасдиқлайди;

транспорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди;

транспорт соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш чораларини қўради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг транспорт соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги транспорт соҳасидаги

махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

транспорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

транспорт соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни, концепциялар ҳамда стратегияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида транспорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

транспортда хавфсизликни таъминлашга доир тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

транспорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этади, шу жумладан хорижда ташкил этади;

замонавий бошқарув услубларига асосланган ягона уйғунлашган транспорт тизимини яратиш бўйича чоралар кўради;

замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан транспорт тизимини рақамлаштиришга доир чоралар кўради;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини, шунингдек сертификатлаштиришни қонунчиликка мувофиқ амалга оширади;

транспорт соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг транспорт соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

транспорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишда иштирок этади;

транспорт соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

транспорт тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантиришда иштирок этади;

транспорт тизимини ривожлантиришга ва замонавий транспорт инфратузилмасини яратишга кўмаклашади;

транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга, транспорт мажмуининг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратишга, шунингдек транспорт тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

шаҳар йўловчи транспортдан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзли тарифлар жорий этиш чораларини кўради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Транспорт соҳасидаги давлат назорати органлари

Махсус ваколатли давлат органи, унинг ҳудудий бўлинмалари, тасарруфидаги ташкилотлар транспорт соҳасидаги давлат назорати органларидир.

Транспорт соҳасидаги давлат назорати органлари:

миллий ва чет эл транспорт ташкилотлари томонидан йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш чоғида транспорт тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишининг таъминланиши;

кемачилик хавфсизлиги, кемалардан уларнинг белгиланган мақсадига мувофиқ фойдаланилиши;

ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлиги қонунчиликка мувофиқ таъминланиши;

темир йўл транспортида юкларни ва йўловчиларни ташиш хавфсизлиги; фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ҳамда бахтсиз ходисалар, шунингдек темир йўл ва сув транспортидаги авария ҳамда ҳалокатлар бўйича текширувлар ташкил этилиши ва ўтказилиши;

йўловчиларни, бағажни, юк бағажини ва юкларни ташиш қоидаларига риоя этилиши, йўловчи йўналишлари бўйича транспорт воситаларининг ҳаракатланиши, ҳаракатланишнинг белгиланган жадваллари ва оралик масофаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Транспорт соҳасидаги давлат назорати органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Транспорт соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат этиш тартиб-таомиллари

Транспорт соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат этиш тартиб-таомиллари транспорт хизматлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, транспортда хавфсизликни таъминлаш, экологик, санитария-эпидемиологик ва бошқа талабларга риоя этиш мақсадида амалга оширилади.

Автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар ичида, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро ташишлар ҳамда юкларни халқаро ташишлар, йўловчиларни ва юкларни темир йўл транспортида ташишлар транспорт соҳасидаги лицензияланадиган фаолият турлари жумласига киради.

Транспорт соҳасидаги рухсат этиш тартиб-таомилларининг турлари қонунда белгиланган тартибда аниқланади.

Транспорт соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат этиш тартиб-таомиллари қонунда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

14-модда. Транспорт воситаларини сертификатлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш

Транспорт воситалари мувофиқлик ёки транспорт воситаси турини маъқуллаш сертификатига эга бўлиши ва рўйхатдан ўтказилиши керак.

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган транспорт воситаларини

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш, сотиш (реализация қилиш) ёки улардан фойдаланиш тақиқланади.

15-модда. Транспорт тарифлари

Йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш, шунингдек ташиш билан боғлиқ хизматлар эркин ва тартибга солинадиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ёки транспорт соҳасида табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида давлат томонидан транспорт хизматларининг айрим турларига нисбатан тарифларнинг чекланган миқдорлари белгиланади.

Давлат томонидан тарифларнинг чекланган миқдорини белгилаш ҳамда йўловчиларга ва фуқароларнинг алоҳида тоифаларига имтиёзлар бериш натижасида транспорт ташкилотлари кўрган зарарларнинг ўрни қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Аралаш ташиш чоғидаги тўғридан-тўғри транспорт тарифи аралаш ташиш шартномалари тузилган саналардаги ҳар бир транспорт турида ташишга доир хизматлар учун тўловлар суммасидан, ҳар бир транспорт турида амал қилаётган тарифлар бўйича шакллантирилади.

3-боб. Ташиш. Мижоз ва ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16-модда. Йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш, транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш

Йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиганлик, транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатганлик учун, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, миқдори тарафларнинг келишуви асосида белгиланадиган ҳақ ундирилади.

Йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш, транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш шартлари ҳамда тарафларнинг ташишлар ва транспорт-экспедиторлик операциялари бўйича жавобгарлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек ташиш ва транспорт экспедицияси шартномаларида белгиланади.

Йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташишни амалга ошираётган транспорт воситаларининг рухсат этилган габаритлари ҳамда вазнига доир параметрлари транспорт воситаларининг техник хусусиятлари ва инфратузилма имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда белгиланади.

17-модда. Мижознинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташиш шартномасида назарда тутилган мажбуриятлар ташувчи томонидан бажарилишини талаб қилиш;

ташувчи ва ҳаракатланиш йўналиши тўғрисида зарур ахборот олиш;

транспорт хизматлари бозорида транспорт турини эркин танлаш;

ташиш қоидаларида ёки шартномасида белгиланган хизматларнинг ташувчи томонидан ўз вақтида ва сифатли кўрсатилиши;

қонунчиликка мувофиқ фуқароларнинг алоҳида тоифаси учун назарда тутилган имтиёзли ва бепул юриш;

қонунчиликка мувофиқ ташиш орқали етказилган зарарнинг ўрни қопланишини, маънавий зарар компенсация қилинишини талаб қилиш.

Мижоз қонунчиликка ва ташиш шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мижоз:

ташувчи билан тузилган ташиш шартномаси шартларига риоя этиши; мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим бўлган жўнатилаётган юк учун мувофиқлик сертификатини ташувчига тақдим этиши;

ташиш қоидаларига риоя этиши;

багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини транспортда ташиш учун тайёр ҳолда тақдим этиши;

йўловчи транспортида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиши шарт.

Мижознинг зиммасида қонунчиликка ва ташиш шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ташувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

нарх белгилаш қоидаларига мувофиқ ташиш нархларини эркин белгилаш, бундан тартибга солинадиган тарифлар белгиланган ҳоллар мустасно;

фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид, экология ва санитария нормалари бузилиши ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) юзага келишига сабаб бўладиган ҳолатларда ташишни рад этиш.

Ташувчи қонунчиликка ва ташиш шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ташувчи:

лицензияга, сертификатга, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга ва (ёки) ташиш учун рухсатномага эга бўлиши, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса;

мижоз билан белгиланган шаклда шартнома тузиши;

ташишларни белгиланган тартибда сертификатлаштирилган транспорт воситаларида амалга ошириши;

қонунчиликка мувофиқ ташиш орқали етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши, маънавий зарарни компенсация қилиши;

йўловчи хавфсизлигини, унга зарур қулайликлар ва хизмат кўрсатиш шароитлари яратилишини, йўловчи томонидан багаж ҳамда юк багажи

топширилган тақдирда эса унинг багажи ва юк багажи ўз вақтида ташилиши ҳамда бут сақланишини ҳам таъминлаши;

ҳаракат хавфсизлигини таъминлаши;

мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим бўлган жўнатилаётган юк учун мувофиқлик сертификатининг кўчирма нусхасини мижоздан талаб қилиши;

қонунчиликка мувофиқ алоҳида тоифадаги йўловчиларни бепул ташишни амалга ошириши ёки уларга кира ҳақини тўлаш бўйича бошқа имтиёзларни тақдим этиши;

йўловчиларнинг ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;

жисмоний имкониятлари чекланган шахсларнинг транспорт воситаларидан, ахборотдан, шунингдек алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши, ташиш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатиш чоғида зарур шарт-шароитлар яратиши шарт.

Ташувчининг зиммасида қонунчиликка ва ташиш шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Аралаш ташишларни ташкил этиш

19-модда. Аралаш ташишлар тизими

Автомобиль, темир йўл, ҳаво ва сув транспорти транспорт логистикаси талабларига риоя этган ҳамда транспорт инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда уларнинг мувофиқлаштирилган ҳамкорлиги орқали аралаш ташишлар тизимини ташкил этади.

Мижоз, аралаш ташишлар оператори ва ташувчилар аралаш ташишлар иштирокчиларидир.

Аралаш ташишни ташкил этишда транспорт логистикаси ташиш жараёнининг ягона оператори ва ягона ташиш ҳужжати мавжуд бўлишини, тўғридан-тўғри транспорт тарифи ҳамда аралаш ташиш барча иштирокчилари ҳамкорлигининг изчил-марказлашган схемаси қўлланилишини, шунингдек ташиш жараёни учун ягона жавобгарликни таъминлаши керак.

20-модда. Аралаш ташишлар шартномаси

Аралаш ташишлар шартномаси аралаш ташишлар оператори ва мижоз ўртасида тузилади ҳамда қуйидагиларни:

мижознинг ҳамда аралаш ташишлар операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;

мижознинг ва аралаш ташишлар операторининг жавобгарлигини;

ягона товар-транспорт юк хатини тўлдириш тартибини;

етказиб бериш муддатлари ва шартларини;

етказиб бериш пунктларини;

багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг ҳажмлари ҳамда ўлчамларини;

нархни ва тўлов тартибини ўз ичига олган бўлиши керак.

Аралаш ташишлар шартномасида қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Йўловчини аралаш ташишлар шартномаси оммавий шартномадир. Йўловчини аралаш ташишлар шартномаси тузилганлиги йўловчининг аралаш қатновда юриш ҳуқуқини тасдиқловчи ягона чипта билан, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари топширилганлиги эса аралаш ташишнинг багаж квитанцияси билан тасдиқланади.

21-модда. Аралаш ташишлар операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аралаш ташишлар оператори:

ўзининг хусусиятларига, вазнига ҳамда габарит параметрларига кўра аралаш ташишлар шартномасида кўрсатилган багаж, юк багажи, юк, почта ва курьерлик жўнатмалари тўғрисидаги маълумотларга мос келмайдиган багажни, юк багажини, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларини аралаш ташишни рад этиш;

аралаш ташишлар шартномасида мижоз томонидан кўрсатилган етказиш пунктига багажни, юк багажини, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларини енгиб бўлмас куч туфайли етказиб бериш имкони бўлмаган тақдирда, аралаш ташишни рад этиш ҳамда юк жўнатувчини ёзма ёки электрон шаклда олдиндан хабардор қилган ҳолда багажни, юк багажини, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қайтариб бериш. Бунда, агар аралаш ташишлар шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, аралаш ташишлар операторининг қўшимча харажатлари юкни жўнатувчи (юкни олувчи) томонидан тўланади;

мижоздан аралаш ташишлар шартномаси бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Аралаш ташишлар оператори қонунчиликка ва аралаш ташишлар шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аралаш ташишлар оператори:

йўловчини, багажни, юк багажини, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш пунктидан етказиш пунктига ташишни ҳар хил турдаги транспортдан фойдаланган ҳолда аралаш ташишлар шартномасига мувофиқ ташкил этиши;

етказиш пунктида багаж ва юк багажи йўловчига топширилишини ташкил этиши;

аралаш ташишлар шартномасида белгиланган муддатларда йўловчини ва багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиб олиши;

ташишнинг ҳар бир босқичида йўловчиларнинг, багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг ҳаракатланиши устидан мониторингни таъминлаши;

багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг бутун ҳаракатланиш йўли давомида бут сақланишини, аралаш ташишлар шартномасида белгиланган муддатларда етказилишини ҳамда

уларни қабул қилиб олишга ваколати бўлган шахсга (юкни олувчига) топширилишини таъминлаши шарт.

Аралаш ташишлар операторининг зиммасида қонунчиликка ва шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

22-модда. Аралаш ташишлар мижозининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мижоз:

ҳаракатланиш йўналиши, транспорт таркиби ва турлари ҳақида ахборот олиш;

аралаш ташишлар операторидан аралаш ташишлар шартномаси бўйича мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

ёзма ҳужжатлар билан асосланган далиллар тақдим этилган тақдирда аралаш ташиш чоғида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Мижоз қонунчиликка ва аралаш ташишлар шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мижоз:

аралаш ташишлар операторига аралаш ташишлар шартномасида келишилган барча тегишли тўловларни тўлаши;

аралаш ташишлар операторига багажни, юк багажини, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларини аралаш ташишлар шартномасида кўрсатилган муддатга биноан тақдим этиши шарт.

Мижознинг зиммасида қонунчиликка ва аралаш ташишлар шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

23-модда. Аралаш ташишлар чоғидаги ҳамкорликка оид шартнома

Аралаш ташишлар чоғидаги ҳамкорликка оид шартнома аралаш ташишлар оператори ва ушбу ташишларда иштирок этувчи ҳар хил турдаги транспорт ташувчилари ўртасида тузилади ҳамда куйидагиларни:

аралаш ташишлар операторининг ҳамда ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;

аралаш ташишлар операторининг ва ташувчининг жавобгарлигини;

ҳар бир ташувчининг хизматлари қийматини ва уларнинг ҳақини тўлаш тартибини;

ташувчиларнинг ҳамкорлик қилиш ва транспорт воситасининг бир туридан бошқасига йўловчини ўтказиш ёки багажни, юк багажини, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қайта ортиш тартибини;

ягона ташиш ҳужжатини (чиптани, багаж квитанциясини, ягона товар-транспорт юк хатини) тўлдириш тартибини;

ташиш муддатлари ва шартларини ўз ичига олган бўлиши керак.

Аралаш ташишлар чоғидаги ҳамкорлик шартномасида қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

5-боб. Транзит ташишлар**24-модда. Йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини транзит ташиш**

Йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳар қандай турдаги транспортда олиб ўтиш, агар бундай олиб ўтиш жўнатиш ва етказиш пунктлари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган йўлнинг фақат бир қисми бўлса, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг транспорт воситаларида чет давлатлар ҳудуди орқали амалга ошириладиган ташиш транзит ташишдир.

Транзит йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташиш транспортнинг тегишли турларига оид бир ёки бир нечта ташиш ҳужжатидан фойдаланган ҳолда транспортнинг бир ёки бир нечта тури билан амалга оширилиши мумкин.

Бир турдаги транспортдан бошқасига транзит йўловчини ўтказиш ва багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қайта ортиш ташиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Бунда товарга қўшиб юбориладиган ҳужжатлар товарнинг бутун ҳаракатланиш йўлида юк билан бирга бориши керак.

Агар айрим транзит багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш шартларида улар билан тегишли операциялар (юкни тушириш, қайта ортиш, сақлаш, тўпламларга ажратиш ёки тўпламлар учун йиғиш ва бошқа шунга ўхшаш операциялар) бажарилиши талаб этилса, улар транзит юклар мақомини сақлаб қолади.

Тўғридан-тўғри халқаро қатновда ташилаётган транзит багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қайта ортиш ташувчи томонидан тақдим этиладиган транспорт воситаларида амалга оширилади.

Транзит ташиш оператори билан шартнома тузилганидан сўнг ташувчилар транзит ташишлар операторларидан транзит йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш учун буюртмалар олганда ушбу буюртмаларни қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмас.

25-модда. Алоҳида транзит йўловчиларга, багажга, юк багажга, юкларга, почта ва курьерлик жўнатмаларига нисбатан тақиқлар ҳамда чекловлар

Ўзбекистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида алоҳида транзит йўловчиларга, багажга, юк багажга, юкларга, почта ва курьерлик жўнатмаларига, шу жумладан ҳарбий маҳсулотларга нисбатан тақиқлар ёки чекловлар, шунингдек ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ҳамда нормалари, карантин чекловлари ва

фитосанитария талаблари, атроф-муҳитнинг радиациявий хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунида ва халқаро шартномаларида белгиланган бошқа талаблар ҳамда шартлар қўлланилиши мумкин.

26-модда. Транзит транспорт йўлаклари

Транзит транспорт йўлаклари транзит йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини уларнинг энг зич жойлашган йўналишлари бўйича халқаро қатновда ташишлар учун транспорт тизимидан фойдаланишни мақбуллаштириш мақсадида ташкил этилади.

Транзит транспорт йўлагининг пунктлари халқаро ташишда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ҳамда йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташишнинг белгиланган йўналишига риоя этилиши устидан масофавий назоратни таъминловчи ахборот воситалари ҳамда техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ҳар бир транзит транспорт йўлаги учун махсус ваколатли давлат органи томонидан транзит транспорт йўлагининг паспорти тузилиб, унга қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатлар киритилади:

транзит транспорт йўлагининг тури;

транзит транспорт йўлагининг бошланғич, охириги ва оралиқ пунктлари номи;

транзит транспорт йўлагининг узунлиги;

транзит йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш муддати;

транзит транспорт йўлагининг технологик хусусиятлари ва махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган бошқа маълумотлар;

давлат назоратини ва текширувини амалга оширишга доир технологик схемалар.

Транзит транспорт йўлагининг бошланғич ва охириги пунктлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали тегишли ўтказиш пунктларидан иборатдир.

Транзит транспорт йўлаги транзит транспорт йўлакларининг реестрига киритилади, ушбу реестрни юритиш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Транзит транспорт йўлакларининг реестрига киритиладиган маълумотлар махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Транзит транспорт йўлакларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

27-модда. Транзит юкларни ва ҳужжатларни идентификация қилиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида юкларни транзит олиб ўтиш чоғида транзит юклар билан божхона

тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилмаган бирор-бир операцияларни бажаришга йўл қўймаслик мақсадида транзит юклар ва хужжатларни идентификация қилиш амалга оширилади.

28-модда. Транзит йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш устидан давлат назорати

Транзит йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида тегишли ваколатли давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Давлат назорати жараёнида транзит йўловчиларнинг, багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг ҳамда транзит воситаларининг божхона, санитария, ветеринария, фитосанитария, радиология, экология назорати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида белгиланадиган назоратнинг бошқа турлари талабларига мувофиқлиги текшируви амалга оширилади.

Транзит йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш устидан давлат назоратини амалга оширишнинг мажбурий шартлари қуйидагилардан иборат:

ваколатли давлат органлари томонидан давлат назоратининг барча турларини ўз ваколатлари доирасида комплекс равишда, бир вақтнинг ўзида ўтказиш;

давлат назорати ўтказилишини ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларини тартибга солиш;

ваколатли давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан давлат назорати вазифаларини қонунчиликда белгиланган муддатларда бажариш;

давлат метрология назоратидан ўтган ўлчов воситаларидан фойдаланиш; тирик ҳайвонларни, тез бузиладиган маҳсулотларни, трансплантатларни, биоматериалларни, махсус тиббий дори-дармонларни ташишда тезлаштирилган ва устувор давлат назорати тартиби.

Тегишли ваколатли давлат органларининг мансабдор шахслари ўзининг давлат назоратига доир ваколатларини бошқа шахсларга топшириши мумкин эмас.

6-боб. Транспорт логистикаси

29-модда. Транспорт логистикасининг асосий вазифалари

Транспорт логистикаси транспорт мажмуи барча иштирокчиларининг ҳар хил турлардаги транспортдан фойдаланган ҳолда мақбул йўналиш бўйлаб ташишни режалаштириш ва уни бошқариш бўйича ҳаракатлари келишилганлигини ҳамда ўзаро боғлиқлигини, шу жумладан ташишнинг ҳар бир босқичида йўловчиларнинг, багажнинг, юк багажининг, юкларнинг,

почта ва курьерлик жўнатмаларининг ҳаракатланиши мониторингини ўз вақтида ва сифатли тарзда таъминлаши керак.

Транспорт логистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: транспортда ташишнинг ягона технологиясини, тўғридан-тўғри қайта ортишларни, қайта ортиш амалга оширилмайдиган қатнов йўлини қўллаган ҳолда ягона транспорт тизими параметрларининг келишилганлиги;

ташишларнинг ягона режа-жадвалларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
транспорт йўлакларини ва транспорт занжирларини шакллантириш;
транспорт-омборхона жараёнининг технологик бирлигини таъминлаш;
юкни етказиб беришнинг оқилона йўналишини аниқлаш;
транспорт воситасининг хили ва турини танлаш.

30-модда. Транспорт-логистика марказлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан бажариладиган операциялардан келиб чиққан ҳолда халқаро ва ҳудудий транспорт-логистика марказлари ташкил этилиши мумкин.

Транспорт-логистика марказлари уларга ҳар қандай турдаги транспортда кириб келаётган ҳамда олиб чиқиладиган юкларни омборга жойлаштириш, сақлаш, уларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, қадоқлаш ва тақсимлаш бўйича хизматлар кўрсатади, шунингдек транспорт воситаларини сақлашни ва уларга техник хизматлар кўрсатишни амалга оширади. Транспорт-логистика марказлари божхона, логистика, фитосанитария, ветеринария, санитария-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш хизматларининг ҳамда юкларни экспорт ва импорт қилиш учун қонунчиликда тақиқланмаган бошқа хизматларнинг тўлиқ мажмуини тақдим этиши мумкин.

Халқаро транспорт-логистика марказларида давлат органларининг, шунингдек бошқа ташкилотларнинг асосий вазифалари «Ягона дарча» принципи бўйича амалга оширилади ҳамда божхона, чегара, логистика, тезкор-лаборатория, фитосанитария, ветеринария, санитария-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш хизматларини ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа хизматларни кўрсатишга ихтисослаштирилади.

Халқаро транспорт-логистика марказлари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган юклар ва транспорт воситалари билан амалга ошириладиган операцияларни бажариш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ транспорт назоратини, шу билан бирга божхона ва чегара операцияларини амалга ошириш учун мўлжаллангандир.

Ҳудудий транспорт-логистика марказлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юкларни омборга жойлаштириш, сақлаш, уларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, қадоқлаш ва тақсимлаш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек транспорт воситаларини сақлаш ва уларга техник хизматлар кўрсатишни амалга ошириш учун мўлжаллангандир.

Транспорт-логистика марказларини замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозлашга доир намунавий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

7-боб. Транспорт хавфсизлиги**31-модда. Ташишлар хавфсизлигини, транспорт воситаларидан ва транспорт инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирлар**

Транспорт ташкилотлари, шунингдек ташувчилар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини, транспорт воситаларидан, транспорт инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Транспорт инфратузилмаси объектларининг фаолият кўрсатишига ва хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек транспорт хизматлари кўрсатишига тўсқинлик қиладиган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Транспорт воситалари ва иншоотларининг хавфсизлигини бевосита таъминлайдиган ходимлар тегишли билим, кўникма ҳамда тайёргарликка, шунингдек қонунчилик талабларига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ишларга доир ижозатга эга бўлиши керак. Бу ходимлар, шунингдек меҳнат шароитлари ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар тиббий текширувдан ўтиши керак.

Транспорт воситалари ҳаракати амалга ошириладиган, манёвр ва юк ортиш-тушириш ишлари бажариладиган транспорт инфратузилмаси объектларининг ҳудудлари ўта хавфли зоналар ҳисобланади ҳамда, зарур бўлганда, тўсиб қўйилади ва техник назорат воситалари билан жиҳозланади. Ўта хавфли зоналарда жисмоний шахсларнинг бўлиши ва объектларнинг жойлаштирилиши, уларда ишларни бажариш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва темир йўлларни кесиб ўтувчи ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган газ, нефть қувурларини ва бошқа иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида белгиланган нормативларни, шунингдек мазкур иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг эгалари жавобгардир.

32-модда. Транспорт соҳасида экологик нормаларни таъминлаш

Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириши, уларни ташкил этишни ҳамда молиялаштиришни амалга ошириши, атроф-муҳитни ва ер қаърини муҳофаза қилиш соҳасида идоравий ҳамда ишлаб чиқариш назоратини олиб бориши, атроф-муҳитни, ер қаърини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитга ҳамда ер қаърига энг юқори йўл қўйиладиган таъсирни тартибга солувчи бошқа мезонлар бўйича белгиланган нормаларга риоя этилишини таъминлаши шарт.

Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар атроф-муҳитга ҳамда ер

қаърига етказилган зарар учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

33-модда. Транспорт воситаларининг ва транспорт инфратузилмаси объектларининг заифлигини баҳолаш

Транспорт воситаларининг ва транспорт инфратузилмаси объектларининг заифлигини баҳолаш уларнинг ғайриқонуний аралашувдан ҳимоя қилинганлиги даражасини, шунингдек уларнинг одатдаги режимда ҳамда фавқулодда вазиятлар ҳолларида барқарор ишлаши таъминланганлиги даражасини аниқлашдан иборатдир.

Транспорт воситаларининг ва транспорт инфратузилмаси объектларининг заифлигини баҳолаш транспорт хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ўтказилади.

Транспорт воситаларининг ва транспорт инфратузилмаси объектларининг заифлигини баҳолаш натижалари транспорт хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар томонидан тасдиқланади.

Транспорт воситаларининг ва транспорт инфратузилмаси объектларининг заифлигини баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар тарқатилиши чекланган ахборотдир.

34-модда. Транспорт воситаларини ва транспорт инфратузилмаси объектларини тоифалаш

Транспорт воситаларини ва транспорт инфратузилмаси объектларини тоифалаш транспорт хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Транспорт воситалари ва транспорт инфратузилмаси объектлари тоифаларининг сони ҳамда уларни тоифалаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тоифалаштирилган объектлар транспорт воситалари ва транспорт инфратузилмаси объектлари реестрига киритилади, реестрни юритиш транспорт хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

35-модда. Транспорт инфратузилмаси объектларида кўздан кечириш

Йўловчиларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ҳамда соғлигини муҳофаза қилиш, ташишлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга, аэровокзалга, аэропортга, метрополитенга ва автостанцияга кириш жойида транспорт воситасини, бағажни, юк бағажини ва юкни кўздан кечиришдан ҳамда йўловчиларни ва бошқа шахсларни шахсан кўздан кечиришдан ўтказиши мумкин. Йўловчилар ва бошқа шахслар кўздан кечиришдан ўтишни рад этган тақдирда вокзалга, аэровокзалга, аэропортга, метрополитенга ва автостанцияга кириш тақиқланади.

Транспорт воситасини, бағажни, юк бағажини ва юкни кўздан кечиришни, йўловчиларни ҳамда бошқа шахсларни шахсан кўздан кечиришни амалга

ошириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати, кўздан кечиришни ўтказиш тартиби, шунингдек вокзалларда, аэровокзалларда, автостанцияларда, аэропортларда ва метрополитенда йўловчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиши қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Йўловчилар тўғрисидаги автоматлаштирилган марказлаштирилган шахсга доир маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш, шунингдек улардаги мавжуд маълумотларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет давлатнинг Ўзбекистон Республикасига халқаро ташувларни амалга оширувчи транспорт ташкилотлари ёки ташувчилари ташиш ҳужжатларида (чипталарида) мавжуд бўлган маълумотларнинг йўловчилар тўғрисидаги автоматлаштирилган марказлаштирилган шахсга доир маълумотлар базаларига ўтказилишини таъминлайди.

36-модда. Фавқулодда вазиятларда транспорт ишини ташкил этиш

Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар транспортнинг лозим бўлган даражада ишлашига тўсқинликни келтириб чиқарган аварияларни, ҳалокатларни, хавfli табиат ҳодисаларини, табиий офатларни ёки бошқа офатларни тугатиш бўйича шошилиш чоралар кўради.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганда, фавқулодда ҳолат жорий этилганда транспорт ташкилотларининг ҳамда ташувчиларнинг шартномавий муносабатлари мазкур фавқулодда вазиятларни ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб турилиши мумкин.

Табиий, ижтимоий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар шaroитларида, фавқулодда ҳолат жорий этилганда транспорт ташкилотлари, аралаш ташишлар операторлари ҳамда ташувчиларнинг сафарбарлик тайёргарлигига, фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларга ва авариядан қутқариш ишларига, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган ишларга доир тадбирларни таъминлаш билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга оид харажатларининг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга, ҳаракат хавфсизлигига ҳамда юкларнинг бут сақланишига таҳдид соладиган авариялар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тугатишда транспорт ташкилотларига, ташувчиларга ёрдам кўрсатади, шунингдек уларни бартараф этиш, одамлар ҳаётини қутқариш ҳамда соғлиғини сақлаш, моддий ва маданий қимматликларни ҳимоя қилиш, зарарни (зиённи) камайтириш чораларини кўради.

Йўлда қасддан тўсиқлар яратиш ҳамда транспорт воситаларининг мо-

неликсиз ва узлуксиз ишлашини издан чиқаришга қаратилган бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида етказилган зарарнинг (зиённинг) ўрни транспорт ташкилотларига айбдор шахслар томонидан қопланади.

37-модда. Багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини, шунингдек транспорт воситаларини ҳамда транспорт инфратузилмаси объектларини қўриқлаш

Агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, транспорт ташкилотлари, аралаш ташишлар операторлари, ташувчилар багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари ташиш учун қабул қилинган пайтдан эътиборан то олувчиларга берилгунига қадар уларнинг бут сақланишини таъминлаши керак.

Багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини, шунингдек транспорт воситаларини ҳамда транспорт инфратузилмаси объектларини қўриқлаш ҳарбийлаштирилган қўриқлаш идоравий бўлинмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш идоравий бўлинмалари ўқотар қурол ва махсус воситалар билан таъминланади. Ўқотар қуролни ва махсус воситаларни қўллаш тартиби қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Ўта муҳим транспорт воситаларини ва транспорт инфратузилмаси объектларини қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари, шунингдек ҳарбийлаштирилган қўриқлаш идоравий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

38-модда. Транспортда хавфсизликни таъминлаш

Транспортдаги хавфсизлик талаблари, уларга риоя этилиши юзасидан давлат текшируви ва назоратининг, жамоатчилик назоратининг усуллари, шунингдек уларнинг мувофиқлигини баҳолаш шакллари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

Ҳудудида хавfli юкларни ишлаб чиқариш, сақлаш, юклаш, ташиш ва тушириш амалга ошириладиган объектлар умумий фойдаланишдаги жойлардан, иншоотлардан, турар жой массивларидан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан ва махсус қўриқланиши лозим бўлган объектлардан уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайдиган масофада узоқлаштирилган бўлиши керак.

Автомобиль йўллари ва темир йўлларнинг ажратилган минтақасида жойлашган транспорт иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда коммуникацияларни қайта жиҳозлаш бундай коммуникациялар мулкдорларининг ва эгаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Хавфли ва махсус юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш юкларни жўнатувчилар ёки олувчилар томонидан бутун ҳаракатланиш йўли давомида таъминланади. Транспортда ташиладиган хавфли ва махсус юкларнинг эгалари, бундай юкларни жўнатувчилар ҳамда олувчилар ушбу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзага келган ҳолларда авария вазиятларини ва аварияларнинг оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган воситаларни ҳамда ҳаракатчан бўлинмаларни жалб этган ҳолда уларни ташиш, юклаш ва тушириш хавфсизлигини кафолатлаши керак.

Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар хавфли ҳамда махсус юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаши ҳамда ушбу юкларни ташиш чоғида авариялар юзага келган ҳолларда уларнинг оқибатларини тугатишда иштирок этиши шарт.

Хавфли ва махсус юкларни ташиш соҳасида юзага келадиган муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади.

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда транспорт ташкилотларининг объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, улар жойлашган ерларда ер ости иншоотларини жойлаштириш тақиқланади. Алоҳида ҳолларда, лойиҳалаштириш ва қуришга Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг рухсати билан йўл қўйилади.

Фаолияти транспорт воситаларининг ҳаракати ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган транспорт ходимларининг айрим тоифалари қонунчиликда белгиланган тартибда иш вақти режими, дам олиш режими ва бошқа меҳнат шароитларининг ўзига хос хусусиятларига риоя этиши шарт.

Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар фаолияти транспорт воситаларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган ҳамда меҳнат шароитлари ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимларнинг дастлабки ҳамда даврий тиббий кўриқлардан ўтказилишини ташкил этиши шарт. Бундай ходимлар ва ишларнинг рўйхати, шунингдек тиббий кўриқларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиши хавфсизлиги масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

8-боб. Ташувчининг, аралаш ташишлар операторининг ташишларни амалга ошириш чоғидаги жавобгарлиги

39-модда. Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик

Йўловчилар ва юк эгалари билан ташувчининг, аралаш ташишлар чоғида эса аралаш ташишлар операторининг қонунда белгиланган жавобгарлигини чеклаш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишувлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Ташувчи, аралаш ташишлар чоғида эса аралаш ташишлар оператори

багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари ташиш учун қабул қилинган пайтдан эътиборан то олувчига ёки бошқа ваколатли шахсга берилгунига қадар уларнинг бут сақланишини таъминлайди.

Агар ташувчи, аралаш ташишлар чоғида эса аралаш ташишлар оператори ташиш учун қабул қилинган багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг йўқолиши, камомади ёки шикастланиши (бузилиши) унинг айбисиз содир бўлганлигини исботлай олмаса, уларнинг йўқолганлиги, камомади ёки шикастланганлиги (бузилганлиги) учун жавобгар бўлади.

Багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш чоғида етказилган зарарнинг ўрни қуйидаги ҳолларда қопланади:

йўқолганда ёки камомад юзага келганда — йўқолган ёки етишмаётган багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг қиймати миқдорида;

багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари шикастланганда (бузилганда) — уларнинг қиймати қанча суммага камайган бўлса, ўша сумма миқдорида, шикастланган (бузилган) багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини тиклаш имконияти бўлмаганда эса уларнинг қиймати миқдорида;

баҳоси эълон қилинган ҳолда ташиш учун топширилган багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари йўқолганда — багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг эълон қилинган қиймати миқдорида.

Агар ташувчи, аралаш ташишларда эса аралаш ташишлар оператори ва аралаш ташишларда иштирок этувчи ташувчи жавобгар бўлган шикастланиш (бузилиш) натижасида багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сифати ундан бевосита белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини олувчи ундан воз кечишга ва унинг йўқолганлиги учун ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Транспорт ташкилоти ва ташувчи, аралаш ташишларда эса аралаш ташишлар оператори багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари йўқолган ёки уларнинг камомади юзага келган ҳолларда йўловчиларнинг, юк жўнатувчиларнинг, юкни олувчиларнинг ёки улар томонидан ваколат берилган, талаб ёки даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг талабларини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ кўриб чиқади.

Қонунларда ташувчи, аралаш ташишларда эса аралаш ташишлар оператори жавобгарлигининг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

40-модда. Йўловчининг ўлими учун ёки унинг соғлиғига зарар етказилганлиги учун транспорт ташкилотининг, ташувчининг ва аралаш ташишлар операторининг жавобгарлиги

Транспорт ташкилоти, ташувчи, аралаш ташишларда эса аралаш та-

шишлар оператори зарар жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги ёки енгиб бўлмас куч ҳолатлари оқибатида юзага келганлигини исботлай олмаса, ташиш чоғида йўловчининг ўлими ёки унинг соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

41-модда. Низоларни ҳал этиш

Транспорт соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

42-модда. Транспорт тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Транспорт тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

43-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

44-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

45-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 август,
ЎРҚ-706-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

471 Расмий статистика тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 7 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 26 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади расмий статистика соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши расмий статистикани тайёрловчиларга ва ундан фойдаланувчиларга, респондентларга ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларга, шунингдек улар ўртасида юзага келадиган, расмий статистикани тайёрлаш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши расмий статистика сифатида қаралмайдиган статистикага нисбатан татбиқ этилмайди.

3-модда. Расмий статистика тўғрисидаги қонунчилик

Расмий статистика тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг расмий статистика тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

идентификатор — статистик бирликни унинг номи, географик жойлашуви ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари асосида идентификациялаш имконини берувчи белгилар кетма-кетлиги;

индивидуал маълумотлар — статистик бирликни тавсифловчи, уни бевосита ёки билвосита идентификациялаш имконини берувчи бирламчи маълумотлар;

маъмурий маълумотлар — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ шакллантириладиган маълумотлар;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 августда эълон қилинган.

метамаълумотлар — фойдаланувчиларга маълумотларнинг манбалари, услубиятлари, таърифлари, таснифлари ва сифати тўғрисида ахборот тақдим этиш йўли билан статистика маълумотларини ҳамда жараёнларини стандартлаштирилган тарзда тавсифловчи маълумотлар;

миллий статистика тизими — расмий статистикани биргаликда тайёрлайдиган ва тарқатадиган давлат статистика органлари ҳамда расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари мажмуи;

расмий статистикани тайёрловчи — миллий статистика тизимининг бир қисми бўлган, статистика маълумотларини расмий статистика соҳасидаги статистика дастурларига мувофиқ тайёрлайдиган давлат бошқаруви органи ва (ёки) унинг бўлинмаси;

статистика маълумотлари — статистика кузатувлари натижасида ва (ёки) маъмурий маълумотлар асосида тайёрланган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик хусусиятга ҳамда бошқа хусусиятга эга ахборот;

статистика маълумотларини тайёрлаш — статистика маълумотларини йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолият;

статистик бирлик — статистика кузатувиغا олиниши лозим бўлган жисмоний ёки юридик шахс (шу жумладан унинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) ёхуд уй хўжалиги;

таснифлаш — расмий статистика соҳасида қабул қилинган усуллар ва белгиларга мувофиқ объектлар тўпламини ўхшашлиги ёки фарқи бўйича алоҳида кичик тўплаларга ажратиш.

5-модда. Расмий статистика

Расмий статистика ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ давлат статистика органлари ва расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан тайёрланадиган ҳамда тарқатиладиган статистика маълумотларидан иборатдир.

6-модда. Расмий статистиканинг асосий принциплари

Расмий статистиканинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
мустақиллик

тушунарлилик ва шаффофлик;

аниқлик ва ишончлилик;

беғаразлик ва холислик;

статистик махфийлик;

долзарблик.

2-боб. Расмий статистика соҳасини тартибга солиш

7-модда. Расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

миллий статистика тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

миллий статистика тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг расмий статистика соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

расмий статистика соҳасидаги давлат дастурларининг (бундан буён матнда статистика дастурлари деб юритилади) ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

расмий статистика соҳасининг мақсадли давлат дастурлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистика соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий статистика соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

статистика дастурларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради ва амалга оширилишини мониторинг қилади;

расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан биргаликда амалга оширади;

расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштиради;

расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларининг статистика услубиятларини халқаро тавсияларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиши;

статистика услубиятларини ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика қўзатувларининг шакллари ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда жорий этади;

расмий статистикани тайёрловчилар билан статистика маълумотлари ва метамаълумотлар алмашинувини йўлга қўяди;

статистика қўзатувларини ўтказиш, расмий статистика маълумотларини шакллантириш ва таҳлил қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқа-

руви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот тизимлари билан уйғунлашувни амалга оширади;

статистика кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек бошқа статистика мақсадларида фойдаланиш учун статистика регистрларини ишлаб чиқади ҳамда юритади;

расмий статистика соҳасидаги ташкилий ва услубиятга оид ишларни амалга ошириш мақсадида маслаҳатлашув ва ишчи гуруҳлар тузади;

миллий статистика тизими доирасида расмий статистика маълумотларини мувофиқлаштирилган ҳолда тарқатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан келишилган ҳолда расмий статистика соҳасидаги ягона атамаларни ишлаб чиқади;

расмий статистика соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

расмий статистика соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Статистика кенгаши

Статистика кенгаши ваколатли давлат органи ҳузуридаги расмий статистиканинг ривожлантирилиши, фаолият кўрсатиши ва мувофиқлаштирилиши масалалари бўйича коллегиал маслаҳат органидир.

Статистика кенгашининг таркиби давлат бошқаруви органларининг, илмий-тадқиқот ташкилотларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек статистика бўйича миллий экспертлар орасидан тузилади.

Статистика кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ваколатли давлат органининг тегишли бўлинмаси Статистика кенгашининг ишчи органидир.

11-модда. Расмий статистикани тайёрловчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш

Расмий статистикани тайёрловчилар статистика маълумотларини ишлаб чиқишда халқаро даражада тавсия этиладиган тушунчаларга, таснифларга ва услубиятга амал қилади.

Ваколатли давлат органи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларининг фаолиятини статистика дастурлари доирасида мувофиқлаштиради.

Расмий статистикани тайёрловчилар статистика маълумотларини тайёрлаш услубиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради.

Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларининг статистика услубиятларида халқаро тавсияларга номувофиқлик аниқланган тақдирда ваколатли давлат органи статистика услубиятлари аудити якунларига кўра ушбу тайёрловчиларга ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга.

Миллий статистика тизимига кирувчи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан статистика маълумотларини шакллантириш ва ваколатли давлат органи билан ахборот алмашинувини таъминлаш учун масъул бўлган бўлинмалар ташкил этилади.

Расмий статистикани тайёрловчилар ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ўзларида мавжуд бўлган статистика маълумотларини ва (ёки) маъмурий маълумотларни ваколатли давлат органига статистика дастурларида белгиланган тартибда ва муддатларда бепул такдим этади.

3-боб. Расмий статистикани тайёрловчиларнинг, респондентларнинг, маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12-модда. Расмий статистикани тайёрловчилар

Давлат статистика органлари расмий статистиканинг асосий тайёрловчиларидир.

Статистика дастурларига расмий статистикани тайёрловчилар сифатида киритилган давлат бошқаруви органлари расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларидир.

Расмий статистикани тайёрловчилар ушбу Қонунга ва статистика дастурларига мувофиқ расмий статистикани тайёрлашни, тарқатишни ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширади.

13-модда. Давлат статистика органлари

Ваколатли давлат органи, Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг статистика бошқармалари, туманларнинг (шаҳарларнинг) статистика бўлимлари давлат статистика органларидир.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари давлат статистика органларининг ушбу Қонунга мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг статистика бошқармалари, туманларнинг (шаҳарларнинг) статистика бўлимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил бўлиб, бевосита ваколатли давлат органига бўйсунди.

Давлат статистика органларини молиялаштириш ва уларнинг моддий-техника таъминоти статистика дастурларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

14-модда. Давлат статистика органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Давлат статистика органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларидан, банклардан ҳамда бошқа ташкилотлардан статистика кузатуви шакллари олиш ва статистика кузатуви маълумотларидан статистика мақсадларида фойдаланиш;

статистик бирликлар фаолиятининг статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган бирламчи маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

жисмоний шахс бўлган респондентларни статистика кузатувларида иштирок этганлиги учун рағбатлантиришни амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, шунингдек бошқа ташкилотлардан статистика дастурларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни сўраш ҳамда олиш;

расмий статистикани тайёрлаш учун зарур бўлган статистика маълумотларини йиғишга жисмоний ва юридик шахсларни қонунчиликка мувофиқ шартнома асосида жалб этиш;

статистика маълумотларини йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлашнинг замонавий усуллари ва воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларни миллий статистика тизимига жорий этиш;

статистика маълумотларини тақдим этиш билан боғлиқ қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қонунга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида қўллаш.

Давлат статистика органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат статистика органлари:

расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этилишини ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика услубиятларининг бирлигини таъминлаши;

мамлакатни, ҳудудларни, тармоқлар ва соҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг бажарилиши жараёни юзасидан статистика кузатувларини ташкил этиши;

статистика маълумотларини йиғишни, уй хўжаликларининг статистика кузатувларини, рўйхатга олишларни, бир маротабалик ҳисобга олишларни, танланма сўровларни ва бошқа статистика кузатувларини ўтказишни ташкил этиши ҳамда таъминлаши;

статистика дастурларининг бажарилишини таъминлаши;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини статистика маълумотлари билан таъминлаши;

халқаро ва минтақаларо статистик қиёслашларни амалга ошириши;

статистика мақсадларида фойдаланиш учун статистика регистрлари ва таснифлаш тизимининг юритилишини таъминлаши шарт.

Давлат статистика органларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга: бирламчи маълумотлар манбаларини танлаш, расмий статистикани тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотларни бевосита респондентлардан олиш ва йиғиш;

жисмоний шахс бўлган респондентларни статистика кузатувларида иштирок этганлиги учун раъбатлантиришни амалга ошириш;

респондентлар учун бирламчи маълумотларни йиғиш усуллари белгиланган.

Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари қонунчиликка мувофиқ ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари:

расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этилишини ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика услубиятларининг бирлигини таъминлаши;

статистика дастурларининг бажарилишини таъминлаши;

статистиканинг сифати таъминланишини, маълумотларни тақдим этишга доир харажатларни ва респондентларнинг зиммасидаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда бирламчи маълумотларни йиғишни амалга ошириши;

йиғилган маълумотларга ушбу Қонун ҳамда «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ишлов бериши, уларни тарқатиши ва сақлаши;

респондентларни ўтказилаётган статистика кузатувларининг мақсади ва ҳуқуқий асослари тўғрисида, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва олинган индивидуал маълумотларнинг махфийлиги таъминланиши ҳақида хабардор қилиши шарт.

Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари зиммасида қонунчиликка мувофиқ ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

16-модда. Респондентлар

Расмий статистикани тайёрловчиларга индивидуал ва бошқа маълумотларни статистика мақсадларида тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс респондентдир.

Респондентлар расмий статистикани тайёрловчилардан статистика кузатувларининг мақсади ва ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунтиришлар ҳамда маълумотлар, шунингдек олинган индивидуал маълумотларнинг махфийлиги таъминланиши ҳақида ахборот олишга ҳақли.

Статистика дастурларига биноан статистика кузатувларини ўтказиш чоғида респондентлар, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

расмий статистикани тайёрловчиларга ишончли ва тўлиқ маълумотларни расмий статистикани тайёрловчи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда бепул тақдим этиши;

агар тақдим этилган маълумотлар ўз хулосаларига ёки расмий статис-

тикани тайёрловчиларнинг хулосаларига кўра тўғри, долзарб ва (ёки) тўлик бўлмаса, расмий статистикани тайёрловчилар томонидан белгиланган муддатларда маълумотларни тузатиши, янгилashi, тўлдириши ҳамда уларга тақдим этиши шарт.

Респондентлар статистика маълумотларини расмий статистикани тайёрловчиларга қоғоз шаклида ёки электрон шаклда тақдим этиши мумкин. Бунда статистика маълумотларини йиғиш усуллари расмий статистикани тайёрловчилар томонидан белгиланади.

Мамлакатни демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим йўналишлари бўйича ўтказиладиган рўйхатга олишларда иштирок этувчи респондентлар рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан ишончли индивидуал маълумотларни тақдим этишига ҳақли ҳамда рўйхатга олишларни ўтказиш жараёнларига монелик қилмаслиги шарт.

17-модда. Маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар

Маъмурий маълумотларни расмий статистикани тайёрловчиларга тақдим этувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари маъмурий маълумотларни етказиб берувчилардир.

Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаларига эга бўлган маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан индивидуал маълумотларни маъмурий мақсадларда шакллантириш;

маъмурий маълумотларни шакллантириш учун бирламчи маълумотлар манбаларини танлаш;

маълумотларни йиғиш усулларини белгилаш, зарур бўлган маълумотларни бевосита жисмоний ёки юридик шахслардан, уй хўжаликларидан олиш ва йиғиш.

Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаларига эга бўлган маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар расмий статистикани тайёрловчиларга:

ўз тасарруфида мавжуд бўлган маъмурий маълумотларни;

статистика маълумотлари сифатини баҳолаш имконини берувчи мета-маълумотларни бепул тақдим этиши шарт.

Расмий статистикани тайёрловчиларга маъмурий маълумотларни тақдим этиш бир йиллик статистика дастурида белгиланган шакллар ва даврийлик бўйича амалга оширилади.

18-модда. Расмий статистикадан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) расмий статистикадан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Расмий статистикадан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

расмий статистикани тайёрловчиларнинг расмий веб-сайтларида ва

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган статистика маълумотларидан эркин фойдаланиш;

расмий веб-сайтларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаган очиқ статистика маълумотларини олиш мақсадида расмий статистикани тайёрловчиларга сўров билан ёки уларни эълон қилиш тўғрисидаги таклиф билан муурожаат қилиш.

Расмий статистикадан фойдаланувчилар ўз махсулотларида (ишларида ва хизматларида) ўзи фойдаланган статистика маълумотларининг манбаларини кўрсатиши шарт.

Индивидуал маълумотлардан ва махфий маълумотлардан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш ушбу Қонуннинг 30 ва 31-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Статистика дастурлари, кузатувлари ва регистрлари, рўйхатга олишлар, уларни тузиш ва тасдиқлаш тартиби

19-модда. Статистика дастурлари

Ваколатли давлат органи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари, расмий статистикадан фойдаланувчилар, респондентлар ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар билан ҳамкорликда статистика дастурларининг тайёрланишини таъминлайди.

Статистика дастурлари кўриб чиқиш учун Статистика кенгашига киритилади.

Ваколатли давлат органи миллий статистика тизимига кирувчи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан биргаликда статистика дастурларининг бажарилишини таъминлайди.

Статистика дастурлари кўп йиллик ва бир йиллик бўлиши мумкин.

20-модда. Кўп йиллик статистика дастури

Кўп йиллик статистика дастури умуман миллий статистика тизими учун ишлаб чиқилади ва расмий статистиканинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилайди.

Кўп йиллик статистика дастури миллий статистика тизимини ривожлантириш концепциясидан, стратегик мақсадларидан ва устувор йўналишларидан, шунингдек расмий статистикасини ривожлантиришга доир дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларидан иборатдир.

21-модда. Бир йиллик статистика дастури

Бир йиллик статистика дастури кўп йиллик статистика дастурини бажариш мақсадида ишлаб чиқилади.

Бир йиллик статистика дастурида қуйидаги вазифалар назарда тутилади: расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

расмий статистикани тайёрловчилар томонидан ўтказилиши лозим бўлган статистика кузатувларини ташкил этиш;

маъмурий маълумотларни тайёрлаш ва расмий статистикани тайёрловчиларга тақдим этиш;

статистика регистрларини ишлаб чиқиш ва юритиш;

расмий статистикани тарқатиш.

Бир йиллик статистика дастури ҳар бир расмий статистикани тайёрловчи томонидан ишлаб чиқиладиган ва тарқатиладиган статистика маълумотларининг уларни бажариш даврийлиги ҳамда муддатлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхатини ўз ичига олади.

22-модда. Статистика дастурларини тасдиқлаш ва молиялаштириш

Кўп йиллик ва бир йиллик статистика дастурлари Статистика кенгаши томонидан кўриб чиқилганидан кейин ваколатли давлат органи уларни тасдиқлаш учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Кўп йиллик статистика дастурлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бир йиллик статистика дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Расмий статистикани тайёрловчиларга статистика дастурларини бажариш учун молиявий ва моддий-техника ресурслари берилади.

Статистика дастурларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Статистика дастурларига киритилмаган ишларни молиялаштириш мазкур ишларни бажариш ташаббуси билан чиққан жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

23-модда. Статистика кузатувлари

Статистика кузатувлари респондентларнинг индивидуал ва бошқа маълумотларини бирламчи йиғиш жараёнлари бўлиб, бу жараёнлар расмий статистикани тайёрловчилар томонидан статистика услубиятларидан фойдаланган ҳолда, статистика мақсадларида амалга оширилади.

Статистика кузатувлари ялпи ва танланма бўлиши мумкин, шунингдек статистика дастурларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ялпи статистика кузатувлари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган статистика ҳисоботи шакллари асосида ўтказилади.

Танланма статистика кузатувлари расмий статистикани тайёрловчилар томонидан тасдиқланган статистика кузатувлари шакллари асосида ўтказилади. Расмий статистикани тайёрловчилар томонидан ўтказиладиган танланма статистика кузатувларида респондентлар ва уй хўжаликлари ихтиёрий асосда иштирок этади.

24-модда. Рўйхатга олишлар

Рўйхатга олиш ялпи ҳисобга олиш асосида аҳолининг, уй-жойнинг сони ва таркиби, иқтисодий бирликларнинг таркиби ҳамда ҳолати тўғри-

сидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар олинишини таъминлайдиган тадбирдир.

Рўйхатга олиш мамлакатни демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим хусусиятлари ҳамда йўналишлари бўйича ўтказилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида амалга оширилиши мумкин.

Респондентларнинг индивидуал маълумотларини йиғиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Рўйхатга олиш дастурида белгиланган саволларга мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхатга олиш маълумотлари статистика кузатувлари, маъмурий маълумотлар асосида ёки уларнинг умумлашмаси асосида шакллантирилиши мумкин.

Рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор санаси ва муддати, шунингдек молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

25-модда. Статистика регистрлари

Статистика мақсадларида фойдаланиш учун зарур бўлган статистика бирликларининг ва улар тавсифларининг рўйхатлари, шу жумладан идентификаторлар статистика регистрларидир.

Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги регистрларни ва маълумотлар базаларини яратадиган ҳамда юритадиган давлат органлари ва уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар расмий статистикани тайёрловчиларга статистика регистрларини шакллантириш ҳамда ўз вақтида янгилаш учун зарур бўлган ахборотни бепул тақдим этади.

5-боб. Статистика маълумотлари, улардан фойдаланиш тартиби ва махфийликни таъминлаш

26-модда. Маъмурий маълумотлардан фойдаланиш

Маъмурий маълумотлар расмий статистикани тайёрловчилар томонидан фақат статистика мақсадларида фойдаланилади.

Маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ва бошқа юридик шахслар ўз тасарруфидаги мавжуд маълумотларни тақдим этиш чоғида махфийлик тўғрисидаги қоидаларни важ қилиб кўрсатиши мумкин эмас, бундан қонунда маълумотларни тақдим этиш ва улардан статистика мақсадларида фойдаланиш тўғридан-тўғри истисно этилган ҳоллар мустасно.

27-модда. Индивидуал маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш

Расмий статистикани тайёрловчилар тасарруфидаги мавжуд индивидуал маълумотлардан фақат статистика мақсадларида, жамланма статистика маълумотларини шакллантириш учун фойдаланилади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва

бошқа ташкилотлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар томонидан индивидуал маълумотлардан тергов, назорат қилиш, суд муҳокамаси, маъмурий қарорлар қабул қилиш мақсадида ёки жисмоний ва юридик шахсларга ёки уй хўжаликларига тааллуқли бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас.

28-модда. Махфий статистика маълумотлари

Расмий статистикани тайёрлаш учун йиғиладиган, ишлов бериладиган ва сақланадиган статистика маълумотлари, агар улар жисмоний ёки юридик шахсларни бевосита ёки билвосита идентификациялаш имконини берса ҳамда уларга тааллуқли индивидуал маълумотларни ошкор қилса, махфий ҳисобланади.

Қуйидагилар махфий статистика маълумотлари жумласига киради:

статистик бирлик тўғрисидаги индивидуал маълумотлар ошкор этилган тақдирда, уни идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар;

статистика маълумотларининг махфийлиги таъминланишини талаб этадиган умумлаштирилган кўрсаткичлар;

қонунга мувофиқ давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир жумласига киритилган ахборот.

29-модда. Расмий статистиканинг махфийлигига риоя этиш мажбуриятини оловчи шахслар

Расмий статистика соҳасидаги вазифалар ўз зиммасига олинаётганда унинг махфийлигига риоя этиш мажбурияти:

расмий статистикани тайёрловчиларнинг барча штатдаги ва вақтинчалик ходимлари;

рўйхатга олишни ўтказишда иштирок этаётган, миллий статистика тизимига дахлдор бўлмаган шахслар томонидан имзоланади.

Расмий статистиканинг махфийлигига риоя этиш мажбурияти ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан вазифалар бажарилиши тугаганидан кейин ҳам ёки махфийликка риоя этиш тўғрисидаги имзоланган ҳужжатда белгиланган муддат ичида амал қилишини давом этади.

30-модда. Индивидуал маълумотлардан фойдаланиш

Ўз хизмат вазифалари доирасида расмий статистикани тайёрлашда иштирок этувчи шахслар индивидуал маълумотлардан расмий статистикани тайёрлаш учун зарур бўлган доирада фойдаланади.

Расмий статистикани тайёрловчилар расмий статистикадан фойдаланувчиларга индивидуал маълумотларни ошкор қилмайди.

Агар маълумотларга ишлов беришда идентификаторларни чиқариб ташлаш назарда тутилган бўлса ёки респондентларни идентификациялаш мумкин бўлмаса, индивидуал маълумотлар ишлаб чиқарилиши ва эълон қилиниши мумкин.

Ваколатли давлат органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тарафлар

ўртасида имзоланган келишувлар асосида индивидуал маълумотларни, шу жумладан идентификаторларни расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларидан олиш ҳуқуқига эга.

Расмий статистикани тайёрловчилар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги индивидуал маълумотларни ваколатли давлат органидан фақат статистика мақсадлари учун олиши мумкин:

идентификаторларсиз маълумотларни;

фақат статистика регистрларидан олинган идентификаторли статистик бирликлар тўғрисидаги маълумотларни.

Ваколатли давлат органи томонидан индивидуал маълумотларни расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларига тақдим этишнинг ҳар бир ҳолати имзоланган келишув асосида амалга оширилади.

31-модда. Махфий статистика маълумотларидан илмий-тадқиқот мақсадлари учун фойдаланиш

Расмий статистикани тайёрловчилар илмий-тадқиқот ишларини амалга оширувчи шахсларнинг сўровига кўра уларга махфий статистика маълумотларидан эгасизлантирилган шаклда фойдаланиш имкониятини бериши мумкин.

Илмий-тадқиқот мақсадлари учун тақдим этиладиган махфий статистика маълумотлари таркибида идентификаторлар бўлиши мумкин эмас. Махфий статистика маълумотлари илмий-тадқиқот мақсадлари учун зарур бўлган ахборот билан чекланади.

Индивидуал маълумотларни ҳимоя қилиш тартибининг бузилиши хавфи мавжуд бўлмаса, махфий статистика маълумотларидан фойдаланиш имконияти берилади.

Махфий статистика маълумотлари шартнома асосида берилади, шартномада маълумотлардан фойдаланиш мақсади, шартлари ва расмий статистикадан фойдаланувчининг тадқиқот натижалари ҳақида хабар беришга, маълумотларни эълон қилмасликка ҳамда учинчи шахсларга бермасликка доир мажбуриятлари кўрсатилади.

Шартномада маълумотларни тайёрлаш натижасида юзага келган қўшимча харажатлар учун компенсация сифатида ҳақ тўлаш назарда тутилади.

Илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида махфий статистика маълумотлари билан ишлайдиган шахслар респондентларни ҳар қандай усулда идентификациялашга, учинчи шахсларга индивидуал маълумотларни ёки улар асосида ҳисоб-китоб қилинган умумлаштирилган кўрсаткичларни ошкор қилишга, махфий статистика маълумотларидан шартномада кўрсатилган мақсадлардан фарқ қиладиган мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилмаслиги керак.

32-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Расмий статистикани тайёрловчилар индивидуал маълумотларни, умумлаштирилган махфий кўрсаткичларни ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик учун барча тартибга солувчи, маъмурий, техник ва ташкилий тусдаги чораларни таъминлайди.

Расмий статистикани тайёрловчиларнинг индивидуал маълумотлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга бўлган ходимлари, шу жумладан вақтинча ёлланган ходимлари тегишли лавозимдаги фаолияти вақтида ва фаолиятини тугатганидан кейин ушбу маълумотларнинг махфийлигига риоя этиши шарт.

Расмий статистикани тайёрловчилар статистика мақсадлари учун зарур бўлган вақт ичида идентификаторли индивидуал маълумотларга ўзи белгиланган тартибга мувофиқ ишлов бериши ва уларни сақлаши мумкин.

Идентификатор тўғридан-тўғри идентификациялашни таъминлаши, яъни алоҳида статистик бирликни битта идентификатор ёки идентификаторлар комбинацияси асосида идентификациялашни таъминлаши мумкин.

Статистик бирликни идентификациялаш бошқа қўшимча маълумотлар ёрдамида билвосита усуллар билан ҳам аниқланиши мумкин.

Идентификаторли индивидуал маълумотларни йиғишнинг барча шакллари, шу жумладан электрон шакллари статистика мақсадлари учун зарур бўлмайдими қилиши билан дарҳол йўқ қилиниши лозим.

6-боб. Расмий статистиканинг сифатини таъминлаш, уни тарқатиш ва эълон қилиш

33-модда. Расмий статистиканинг сифатини таъминлаш

Расмий статистикани тайёрловчилар расмий статистиканинг сифатини доимий асосда баҳолаб боради. Сифат кафолатини таъминлаш учун расмий статистика расмий статистиканинг қамрови, тушунчалари, статистик бирликлари ва таснифларига тааллуқли умумий принциплар ҳамда усуллар асосида тайёрланади ва тарқатилади.

Расмий статистикани тайёрловчилар расмий статистиканинг сифатини яхшилаш мақсадида маълумотларни таҳлил этиш ва таҳрир қилиш, турли манбалардан олинган маълумотларни бирлаштириш, маълумотларни статистика мақсадларида бир-бирига боғлашни ва солиштиришни амалга ошириш ҳамда баҳолашнинг статистик усулларида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Расмий статистикани тайёрловчилар тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган манбалар ва усулларни, шунингдек якуний маълумотлар тўпламларини ҳужжатлаштириб боради. Расмий статистикадан фойдаланувчилар статистика маълумотларининг манбалари ва уларни тайёрлаш усуллари ҳамда расмий статистика маълумотларининг сифати тўғрисида метамаълумотлар ёрдамида хабардор қилинади.

34-модда. Расмий статистиканинг сифатини баҳолаш

Расмий статистикани тайёрловчилар расмий статистикадан фойдаланувчилар билан расмий статистиканинг сифати масалалари юзасидан мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Расмий статистикадан фойдаланувчилар билан маслаҳатлашувлар қуйидагилар орқали амалга оширилади:

фойдаланувчилар ўртасида сўровлар ўтказиш;

статистика дастурларининг ва статистика кузатувлари шаклларининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш.

Расмий статистикани тайёрловчилар статистика маълумотларининг мазмуни ва сифатини янада яхшилаш учун респондентлардан ушбу маълумотларнинг мазмуни ва сифати ҳақидаги фикрларини сўраб олади.

Ички ва ташқи экспертлар миллий статистика тизимининг институционал муҳити, жараёнлари ва натижаларини баҳолашни амалга ошириши мумкин.

35-модда. Статистика услубиятлари

Расмий статистикани тайёрлаш ҳамда тарқатиш чоғида фойдаланиладиган усуллар, қоидалар ва принциплар тизими статистика услубиятларидир.

Расмий статистикани шакллантириш чоғида статистика услубиятини қўллаш мажбурийдир.

Статистика услубиятини тайёрлаш ва тасдиқлаш расмий статистикани тайёрловчилар томонидан халқаро услубиятлар ҳамда тавсияларга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг, шунингдек бошқа шахсларнинг статистика услубиятини шакллантиришга аралashiшига йўл қўйилмайди.

Расмий статистикани тайёрловчилар статистика услубиятини баҳолаш ва такомиллаштириш мақсадида илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ўзлари йиғадиган маълумотларнинг мазмунини, услубиятини ва рўйхатини, шу жумладан уларни ўзгартириш тартибини ваколатли давлат органи билан мажбурий тартибда ҳамда расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан ихтиёрийлик асосида келишиб олади.

36-модда. Расмий статистикани эълон қилиш

Расмий статистика мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек жамоатчиликни хабардор қилиш, расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун эълон қилинади.

Расмий статистика расмий статистиканинг асосий принципларига тўла мувофиқ ҳолда, шунингдек айрим статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлаш ҳамда барчага тенг фойдаланиш имкониятини бериш орқали эълон қилинади.

Расмий статистикани тайёрловчилар расмий статистикани статистика дастурида ва расмий статистикани эълон қилиш жадвалида назарда тутилган муддатларда эълон қилиши шарт.

Таркибда давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган расмий статистика маълумотлари эълон қилинмайди ҳамда қонунда белгиланган тартибда тақдим этилади.

Жамоатчилик расмий статистикани эълон қилиш муддатининг ҳар қандай ўзгариши тўғрисида эълон қилишнинг режалаштирилган санасига қадар хабардор қилинади.

Расмий статистика метамаълумотлар ва тушунтирувчи изоҳлар билан бирга эълон қилинади. Расмий статистикадан фойдаланиш расмий статистикани тайёрловчиларнинг расмий веб-сайтларида ва оммавий ахборот воситаларида расмий статистикани эълон қилиш орқали таъминланади.

Расмий статистикани тайёрловчилар қўшимча равишда ишлов берилган статистика маълумотларини, босма нашрларни ва бошқа материалларни расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг сўровига кўра пулли асосда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Келгусида қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган дастлабки статистика маълумотлари эълон қилинганда, улар дастлабки маълумотлар сифатида кўрсатилади.

Статистика услубиятларидаги ўзгаришлар туфайли келиб чиққан ўзгаришлар тўғрисидаги ахборот расмий статистикани тайёрловчиларнинг расмий веб-сайтида жамоатчиликни бу ҳақда хабардор қилиш мақсадида олдиндан эълон қилинади.

37-модда. Расмий статистикани тарқатиш

Расмий статистикани тарқатиш ваколатли давлат органи томонидан мувофиқлаштирилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

38-модда. Халқаро ҳамкорлик

Расмий статистикани тайёрловчилар ўз ваколатлари доирасида статистика услубиятларини, амал қилинадиган принциплар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича, шунингдек ахборот айирбошлаш бўйича бошқа мамлакатларнинг расмий статистикани тайёрловчилари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

39-модда. Низоларни ҳал этиш

Расмий статистика соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

40-модда. Расмий статистика тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Расмий статистика тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

41-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилин-

ган «**Давлат статистикаси тўғрисида**»ги 441–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 219-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Давлат статистикаси тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 442–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 220-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 20 декабрда қабул қилинган «**Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–16-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 415-модда) **3-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Давлат санитария назорати тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–253-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 333-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 3 январда қабул қилинган «**Давлат статистикаси тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–315-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 1-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **26-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **145-моддаси**.

42-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

43-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини
таъминласин.

44-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 август,
ЎРҚ-707-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

472 Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Олий Мажлис палаталарининг:

Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (кейинги ўринларда — Болалар омбудсмани) институтини таъсис этиш;

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини тугатиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Болалар омбудсмани ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади, ўз фаолиятида Олий Мажлис палаталарига ҳисобдордир;

Болалар омбудсмани Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади;

Болалар омбудсмани лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

3. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия (кейинги ўринларда — Миллий комиссия), Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) этиб қайта ташкил қилинсин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

Қуйидагилар Миллий комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

Белгилаб қўйилсинки, Миллий комиссия ва ҳудудий комиссиялар ўзларининг ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан ўз фаолиятини ташкил этишда тегишли давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Қуйидагилар:

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг намунавий таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Миллий комиссиянинг низоми ва ҳудудий комиссияларнинг намунавий низомини тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ўз фаолияти юзасидан Миллий комиссия ҳар йили Олий Мажлис Сенатига, ҳудудий комиссиялар эса ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига ахборот тақдим этади.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. 2021 йил 1 сентябрдан қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти таркибида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган қўшимча 3 та штат бирлигидан иборат Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида амалдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия котиби ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларидаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш шўъбасидаги бир нафар мутахассис лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти;

туман (шаҳар) ҳокимликларида амалдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссия котиби ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги болаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича методисти лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари ташкил этилсин.

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси штат бирликлари прокуратура органларининг 3 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ушбу йўналишда давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни белгилаш;

бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш; ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмларини яратиш ва такомиллаштириш;

оилага тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар билан

ишлаш бўйича давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш;

етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун назарда тутилган маблағларнинг ажратилиши ва уларнинг ўз эгаларига етказилиши устидан мониторинг ўрнатиш;

тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;

имконияти чекланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишга қўмаклашиш;

назоратсиз, қаровсиз ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш чораларини кўриш.

8. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари тегишинча Миллий комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи вазифасини бажаради.

9. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбасининг ташкилий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятларининг намунавий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларининг намунавий тузилмаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти томонидан мувофиқлаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари бошлиқлари Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

б) Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси ва Вазирлар Маҳкамаси котибиятининг ҳудудий тузилмаларига ишга, қоида тарикасида, биринчи навбатда «психология», «юриспруденция» ва «ижтимоий иш» соҳалари бўйича олий маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.

11. Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада

* 4 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида қуйидагиларга:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — ҳудудларда болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига қирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларни ўз вақтида турар жойлар билан таъминлаш учун;

Миллий гвардия кўмондони Р. Джураевга — болалар, айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида ватанпарварлик йўналишидаги маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиш, болалар спорт турларини ривожлантириш ва уларни жалб этиш чораларини кўриш учун;

Болалар омбудсманига — болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва тарбия колониялари фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш учун;

ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Абдуллаевга — болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун;

соғлиқни сақлаш вазири А. Хаджибаевга — спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган болаларни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, устувор равишда болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун;

халқ таълими вазири Ш. Шерматовга — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек, таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз қатнашмаётган болаларнинг ҳисобини юритиш, бундай ҳолатларни бартараф этиш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш чораларини кўриш, мазкур масалалар бўйича мунтазам равишда Болалар омбудсманига ахборот киритиш учун;

мактабгача таълим вазири А. Шинга — мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама камол топишига муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, оилага тарбияга олинган болалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар болаларига белгиланган имтиёзлар асосида таълим олишини ҳамда янги имтиёзлар яратилишини таъминлаш учун;

маданият вазири О. Назарбековга — болаларнинг ижодий салоҳияти-

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш, уларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, салоҳиятини ошириш ва истеъдодини тўла намоён этиш чораларини кўриш учун;

туризм ва спорт вазири ўринбосари А. Каримовга — болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча минтақаларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш учун;

бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н. Хусановга — болаларни, айниқса, олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ҳамда касб эгаллаш истагини билдирган умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, «Болалар омбудсмани тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин.

14. Болалар омбудсмани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

16. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М. Кенжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 август,
ПФ-6275-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**473 Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрса-
тиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини
янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка мухтож оилалар моддий таъминотини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда умумэтироф этилган халқаро стандартларни ва автоматлашган шаффоф электрон баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали нафақаларни тўлаш тизимини болалар салоҳиятини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси (кейинги ўринларда — болалар нафақаси) жорий этилади. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда:

инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилади;

тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилади;

унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби қўлланилади;

б) яқка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

2. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг қуйидаги миқдорлари белгилансин:

а) болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

250 000 сўм — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун;

325 000 сўм — ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

150 000 сўм — оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;

100 000 сўмдан — оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун;

б) кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори — 380 000 сўм.

Бунда, 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тўлаш муддатлари тугагунига қадар, мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинади.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 августда эълон қилинган.

3. Молия вазирлиги 2021 йил якунига қадар болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилалар сонининг ўртача 20 фоизга ошишини ҳисобга олган ҳолда 2021 йилда ушбу чора-тадбирларни молиялаштиришга бюджетдан қўшимча маблағ ажратсин ҳамда Давлат бюджетининг 2022 йилдаги параметрларини шакллантиришда мазкур Фармоннинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор вазирлик ва идораларга «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилади.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов) билан биргаликда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими маълумотлар базасидаги кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотларни вазирлик ва идораларга «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилиши ҳамда ахборот алмашинувининг самарали ишлашини таъминласин.

5. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норкулов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда 2021 йил 20 августга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

кам таъминланган болали оилаларга нафақани ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби;

минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартиби.

6. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармон мақсади, вазифалари ва бундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда иқтисодий

тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норкулов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 ноябрь ва 2022 йил 1 апрелга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 август,
ПФ-6277-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 11 августдаги
ПФ-6277-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-871-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «парваришlash учун» сўзларидан кейин «ишлайдиган (бюджет ташкилотларида ишлайдиганлар бундан мустасно)» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бола икки ёшга етгунча уни парваришlash учун ишлайдиган (бюджет ташкилотларида ишлайдиганлар бундан мустасно) оналарга бериладиган ҳар ойлик нафақалар — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари».

Бунда, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ишлайдиган (бюджет ташкилотларида ишлайдиганлар бундан мустасно) оналарга бериладиган ҳар ойлик нафақалар миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 60 фоизи миқдорида белгилансин»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ–3214-сон Фармони билан тасдиқланган Барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатининг 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилаларнинг аъзолари».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–3864-сон Фармонида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5984-сон Фармонининг 4-банди қуйидаги мазмундаги «г¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г¹) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил 1 сентябрга қадар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимини Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Манзил» тизимига интеграция қилсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «2020 йил 30 июлдаги коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6038-сон Фармони 2-бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6079-сон Фармони 15-илоvasи 9-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

9.	<p>«Пенсия» дастурий таъминотини функционал кенгайтириш орқали Пенсия жамғармасини бошқариш ахборот тизимини яратиш. Бунда, пенсия ва нафақаларни босқичма-босқич биргина паспорт асосида тайинлаш тизимини жорий этишни назарда тутиш.</p>	<p>1. Ахборот тизимини ярат бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. «Пенсия» дастурини функционал кенгайтириш бўйича шартнома имзолаш. 3. «Пенсия» дастурий таъминотини функционал кенгайтириш. 4. Ахборот тизимини амалиёт жорий этиш.</p>	2022 йил сентябрь	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (А. Хайдаров)</p>
----	---	--	-------------------	--	---

«

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–744-сон қарорининг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бюджет муассасаларида ишлаётган оналарга:

2008 йил 1 январдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича ижтимоий нафақаларни фуқароларнинг ўзини-ўзини бошқариш органлари орқали;

2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга болалар нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби жорий этилиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низомнинг 2-банди ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар, аъзолари ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлган оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар, боланинг ота-онаси квоталар бўйича минтақаларга тақсимланган ижтимоий соҳа ходимлари бўлган оилалар, тўрт ёки ундан кўп болалари бўлган оилалар».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4797-сон қарорининг 11-банди «(турмуш ўртоғи ва болалари)» сўзларидан кейин «шунингдек, пенсионерлари» сўзлари билан тўлдирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4938-сон қарорида:

а) 1-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари — 434 000 сўмдан 1 085 000 сўмгача этиб белгилансин»;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисидаги низом иловасининг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилаларнинг аъзолари».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низом иловасининг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилаларнинг аъзолари».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кам таъминланган оила — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила».

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 731-сон қарори 3-бандининг «б» кичик банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) ун ва қолипни нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун тўланаётган пул компенсацияси (кейинги ўринларда пул компенсацияси деб аталади) нафақалар тўланиши учун масъул бўлган органлар томонидан ҳисобланади ва 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.»

Ушбу илованинг бандлари 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 11 августдаги
ПФ-6277-сон Фармони
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-938-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 декабрдаги

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4158-сон Фармони иловасининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 350-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги «Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 866-сон қарорининг 5-банди.

Ушбу илованинг бандлари 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

474 **Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Миллий гвардиянинг «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари (кейинги ўринларда — ўқув-тарбия муассасалари) Миллий гвардияга бириктириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Миллий гвардия «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллалари билан ҳамкорлик ўрнатсин.

2. Миллий гвардияга қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари кўллаш чораларини кўриш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш;

ўқув-тарбия муассасаларида сифатли таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишга, уларнинг маиший шарт-шароитлари яхшиланишига, шунингдек, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етук ва дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни спорт турларига қизиқтириш ва жалб этиш.

3. Миллий гвардия таркибида:

марказий девони тузилмасида ўқув-тарбия муассасаларида ёшларнинг таълим ва тарбия олиш жараёнларини ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишга масъул Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари лавозими жорий этилсин;

Жамоат хавфсизлиги университетида «Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш» кафедраси ташкил этилсин.

4. Белгилансинки:

оилавий болалар уйлари ва Болалар уйлари ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади;

бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганadi, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш чораларини кўриб боради.

5. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) икки ой муддатда:

а) Миллий гвардия (Р. Джураев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Туризм ва спорт вазирлиги (У. Азамов) ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) билан биргаликда:

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга тарбия бериш, уларни фан, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича янги тизимни амалиётга татбиқ этсин;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида улар томони-

дан эришилган натижаларни баҳолаш орқали ўқув-тарбия муассасаларининг рейтинг тизимини жорий қилсин;

б) Миллий гвардия (Р. Джураев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов) билан биргаликда ўқув-тарбия муассасаларининг Тошкент шаҳридаги Инха университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, IT-парклар билан ўзаро алоқалар ўрнатишини таъминласин ҳамда улар томонидан ўқув курслари ташкил этилиши чораларини кўрсин;

в) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, васийликка ва ҳомийликка олинган болалар ва оилага тарбияга берилган (патронат) болалар бўйича яратилган ахборот тизимида маълумотларни тўлиқ шакллантирган ҳолда Миллий гвардия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу тизимдан фойдаланиш ҳуқуқини берсин;

г) Миллий гвардия (Р. Джураев), Туризм ва спорт вазирлиги (У. Азамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини ҳар йили камида икки маротаба ўқишдан бўш вақтларида Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга олиб чиқиш дастурини тасдиқласин. Бунда, саёҳат давомида ички ишлар органлари ҳамроҳлиги Ички ишлар вазирлиги маблағлари ҳисобидан ҳамда ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини саёҳатга олиб чиқиш (транспорт, яшаш ва овқатланиш) билан боғлиқ харажатлар ўқув-тарбия муассасаларига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун якка кураш, от спорти, футбол, сузиш, теннис, шахмат каби спорт турлари бўйича спорт тўғаракларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

6. Миллий гвардия (Р. Джураев) Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар Жамоат хавфсизлиги университетиде ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйсин.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) ва Миллий гвардия (Р. Джураев) билан биргаликда ҳар йили 1 сентябрга қадар янги ўқув йили учун олий таълим муассасалари етакчи профессор-ўқитувчиларининг «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчаларининг тарбияланувчиларини ахборот технологиялари, хорижий тиллар, аниқ, табиий ва бошқа фанларга ўқитиш бўйича факультатив ва тўғарак машғулотларини, «давра суҳбатлари»ни, фан мусобақаларини ташкил этиш дастурини тасдиқласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчаларини зарур спорт анжомлари (болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратган ҳолда), 20 тадан замонавий компьютер тўпла-

ми (узлуксиз тезкор Интернет тармоғига улаган ҳолда), тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик ва бошқа соҳадаги тўғаракларни ташкил этишга ихтисослашган хоналарнинг зарур моддий-техник базаси ҳамда автобуслар ва микроавтобуслар билан таъминласин.

9. Олий Мажлис Сенатига (Т. Нарбаева) мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тавсия этилсин:

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш бўйича «Меҳр дафтари» тизимини ҳаётга татбиқ этиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) оладиган оилаларда тарбиялашни рағбатлантириш амалиётини жорий этиш ҳисобига ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланувчиларни босқичма-босқич фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) оладиган оилаларда тарбиялашга ўтказиш чораларини кўриш;

болаларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг сабабларини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш.

10. Белгилансинки:

2021 йил 1 ноябрдан бошлаб «Меҳр дафтари» тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан «Меҳр дафтари»га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилади;

2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумидан ажратмалар миқдори беш фоиздан уч фоизга пасайтирилади;

2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоиз миқдоридagi ажратмалар бюджетга тўланадиган солиқ ва йиғимларга тенглаштирилади, ушбу ажратмалар солиқ органлари томонидан ундирилади ва импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилмайди;

«Меҳр дафтари»га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари, ҳомийлик маблағлари, 2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоизи миқдоридagi ажратмалар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

11. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг таълим-тарбияси, уларни балоғатга, турмушга тайёрлаш ишларига масъул этиб белгилаш ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан:

хар йили камида икки маротаба ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб бориш;

ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларни «Меҳр дафтари»га киритиб, уларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал қилишга ҳамда ўқув-тарбия муассасаларидан кейинги ҳаётида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама қўмаклашиш;

б) Халқ таълим вазирлиги ва Миллий гвардия тавсиясига биноан ҳар йили 25 нафар ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларини Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийларда бепул даволаш.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларига мунтазам равишда «Меҳр дафтари»га киритилган болалар билан ишлашга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисоботларни эшитиб бориш амалиётини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

13. Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган вояга етмаган фарзанди учун ота-оналардан алиментларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминласин.

14. Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардияга бириктирилган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасининг тарбияланувчилари билан ишлаш жараёнларига қўмаклашсин.

15. Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг:

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 2-сон касб-хунар мактабини ушбу тумандаги 39-сон умумий ўрта таълим мактаби биносига;

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасини Чиноз туманидаги 2-сон касб-хунар мактабининг бўшайдиган биносига кўчириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Молия вазирлиги (Т. Ишметов);

бир ой муддатда «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчаларида харажатлар сметаси тузилиши ва ижро этилишини, иш ҳақининг ҳисобланиши ва тўланишини, товар, иш ва хизматларнинг харид қилинишини, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг юритилишини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчаларига икки нафардан ҳудудий молия органларининг малакали ходимларини бириктирсин;

мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар учун маблағларни тегишли вазирлик ва идораларнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари асосида 2021 йилда Давлат бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка ва патронатга) олиш ҳамда оилавий болалар уйларини ташкил этиш тартибини, унинг ижтимоий аҳамиятини жамоатчиликка кенг ёритиш;

жамиятда айрим ота-оналар томонидан ўз фарзандларини меҳрибонлик ва болалар уйларига топширишлари сабабларини кенг таҳлил қилган ҳолда бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий роликларни намойиш этиш, давра суҳбатлари ва муҳокамалар ташкил этиш тавсия этилсин.

18. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш бўйича «йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

19. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белги-лансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М. Кенжаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 август,
ПҚ-5215-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**475** **Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 15 августдан бошлаб етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга мухтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг учинчи қаватигача ажратилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун квартиралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қўчмас мулкнинг бирламчи бозоридаги шаҳар ва туманларда қурилган кўп квартирали уй-жойлардан харид қилинади;

тегишли туман (шаҳар)да қўчмас мулк бирламчи бозорида мазкур бандда назарда тутилган мезонларга мос келадиган квартиралар мавжуд бўлмаганда, ҳудудий «Халқпарвар» комиссиялари хулосасига асосан квартиралар қўчмас мулкнинг иккиламчи бозоридан тегишли мезонларга мувофиқ ҳолда харид қилинади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлаш «онлайн-навбат» тизими асосида амалга оширилади, бунда мазкур навбатга ўзгартириш киритилишига ҳамда навбатидан олдин кейинги навбатдаги болаларга уй-жой ажратилишига йўл қўйилмайди;

Халқ таълими вазирлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой билан таъминланиши ҳолати ҳақидаги ҳар ойда янгиланадиган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириб боради.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида, бироқ улар 30 ёшга тўлгунга қадар уй-жойни сотиш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш ёхуд ижарага бериш ҳамда уй-жойда ўзи ва оила аъзолари (эри ёки хотини, фарзандлари) дан ташқари бошқа фуқароларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ҳуқуқисиз ажратилади.

Бунда, етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг асослантирилган мурожаати асосида маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жойнинг умумий майдонини кенгайтириш ва мазкур бандда назарда тутилган талабларни сақлаб қолиш шарти билан сотишга рухсат берилади;

б) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш жараёнида қўйидагилар тақиқланади:

битта кўп квартирали уй-жойнинг ҳар бир кириш йўлагигаги квартираларда бир нафардан ортиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш;

икки ва ундан ортиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун кўп квартирали уй-жойдан битта квартира ажратиш (улар ўртасида никоҳ тузилган ҳоллар мустасно);

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун алоҳида кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва бу ерда уларнинг барчасини жойлаштириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун ётоқхоналардан уй-жойлар ажратиш (харид қилиш);

в) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар кол-леж, академик лицей, техникум ва олий таълим муассасаларида ўқиётган даврида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган уй-жойларда коммунал хизматларнинг меъёрий кўрсаткичлари бўйича фойдаланилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг эллик фоизи тегишли туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Бунда, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган уй-жойларда фойдаланиладиган коммунал хизматларнинг меъёрий кўрсаткичлари тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

3. Қўйидагилар:

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлашни ташкил этиш, уй-жойларнинг адолатли тақсимланиши ва ўз вақтида ажратилишини назорат қилиш бўйича Республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага* мувофиқ;

2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жой харид қилишнинг мақсадли параметрлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Уй-жойларга мухтож етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой харид қилиш ва қуриш учун:

2021 йилда талаб этиладиган маблағларнинг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, қолган қисми Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ва бошқа маблағлар ҳисобидан ажратилади;

2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида Молия вазирлиги учун ажратилган маблағлар таркибида алоҳида сатрда маблағлар режалаштирилиб, кейинчалик ҳақиқий талабдан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига қайта тақсимлаш орқали йўналтирилади.

Бунда, таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

5. Республика комиссияси (А. Арипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2021 йил 1 декабрга қадар мазкур қарор доирасида уй-жойга мухтож 757 нафар етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

ўн кун муддатда етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритилишини;

етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларга ажратилган уй-жойлар яшаш учун барча зарур шароитларга эга бўлган (таъмирланган ва жиҳозланган) ҳолда топширилишини таъминласин.

7. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг шаклланиши ва мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин.

8. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) ва Миллий гвардия (Р. Джураев):

бир ой муддатда етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг «онлайн-навбат» тизимини амалиётга жорий этсин;

уй-жойга мухтож етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар рўйхатининг «онлайн-навбат» тизимига киритилишини ва доимий янгиланишини таъминласин;

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга мухтожлигини «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқланишини йўлга қўйсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

10. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга навбатга қўйилмаган ҳолда жойлаштирилади;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга улар техникум, коллеж, академик лицей ёки олий таълим муассасасида ўқиётган даврида ҳар ўқув йилида бир маротаба ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдоридан субсидиялар ажратилади;

вазирлик ва идоралар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган графикка асосан бир йилда камида бир маротаба барча «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари ва оилавий болалар уйлари, шунингдек «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллаларида (кейинги ўринларда — ўқув-тарбия муассасалари) тақдимотлар ўтказилади. Бунда, мазкур тақдимотлар ўтказиш методикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотларининг хорижий тиллар, олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун имтиҳон топшириладиган 2 та фан, ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги ва ўзларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда бошқа мос йўналишлар бўйича курсларида ўқиш харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда компенсация қилинади;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ўқишни давлат олий таълим муассасаларида давом эттирганда уларга Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендия тўловлари 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади.

11. Белгилансинки, олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан «Меҳрибонлик» уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчилари, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар (йигирма беш ёшга тўлмаган) учун ҳам татбиқ қилинади, бунда ушбу қўшимча квоталарнинг олий таълим муассасалари бўйича тақсимооти Халқ таълими вазирлиги ва Миллий гвардия томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш

бўйича давлат комиссияси (А. Арипов) 2021/2022 ўқув йилида SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчиларига, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга ушбу бандда назарда тутилган қўшимча квоталардан фойдаланиш имкониятини таъминласин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш харажатларини қоплаб бериш тартибини тасдиқласин.

13. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) ва Молия вазирлиги (Т. Ишметов) бир ой муддатда ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ўқиш харажатларини компенсация қилиш тартибини тасдиқласин.

14. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ўқув-тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

а) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги шакллантирган етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар рўйхати асосида уларнинг йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳар йили амалиёт ўташи ташкил этилади;

техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг ўз тизимидаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ва масканларида касб-хунарга ўқитилиши йўлга қўйилади;

Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг бандлиги бўйича доимий мониторинг амалга оширилади;

б) «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурида белгиланган маблағлар ва тартиблар доирасида етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга уларнинг бизнес лойиҳаларида кўзда тутилган мақсадларга кредитлар навбатга қўйилмаган ҳолда ажратилади;

в) ўқув-тарбия муассасалари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг турмушини яхшилаш, касб-хунарга ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган «коучинг» видео материаллар, мотивацион роликлар ва дарсликлар тўпламлари билан ўқув-тарбия муассасалари Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминланади.

15. Белгилансинки, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни, уларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга)

олаётган ва тарбия қилаётган оилаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш мақсадида:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ота-оналарининг яқин қариндошларига ушбу болаларни навбатсиз фарзандликка ёки оиллага тарбияга (патронатга) олиш ҳуқуқи берилади;

2021 йил 1 сентябрдан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг ташаббуси билан, етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийликка ва ҳомийликка олган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган оилаларга ушбу болалар 18 ёшга тўлгунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоридан моддий ёрдам пули тўлаш амалиёти жорий этилади;

2021 йил 1 сентябрдан кейин ногиронлиги бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўловлар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоригача етказилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада йўлга қўйилмаган жарроҳлик амалиётлари бўйича хорижий давлатлардаги жарроҳлик операциялари билан боғлиқ харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан тўлиқ миқдорда компенсация қилинади;

«Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчаларига 2 та психолог штат бирлиги ажратилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда уларни фарзандликка ёки васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган фуқароларга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан бепул юридик хизмат кўрсатилади.

16. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) икки ой муддатда:

а) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар томонидан тўланадиган давлат божлари ва маҳаллий йиғимларга камайтирувчи коэффициентларни белгилаш юзасидан таклифларни;

б) қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи болалар академик лицей ва олий таълим муассасаларига кирганда, уларнинг мазкур пенсияни олиш ҳуқуқини академик лицей ва олий таълим муассасаларида ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунга қадар сақлаб қолиш;

ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам бериш учун тадбиркорлик субъект-

лари томонидан хайрия ёрдами тарзида йўналтириладиган маблағлар суммасига фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралишини белгилашни;

мазкур қарордан келиб чиқиб, «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

18. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белги-лансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М. Кенжаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 август,
ПҚ-5216-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**476** **Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, болаларни реабилитация қилиш, тўлақонли ҳаёт тарзини юритишига кўмаклашиш ҳамда имкониятларини ошириш учун уларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, соҳада ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2021 йил 28 июль куни ўтказилган ногиронлиги бўлган, ота-она қарамогидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларни самарали бажариш мақсадида:

1. Қуйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларга, айниқса, болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини бугунги босқичда яхшилашнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

мактабгача ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган эшитиш қобилияти заиф болаларни замонавий эшитиш мосламалари билан таъминлаш орқали мослаштирилган (адаптив) ўқув тизимини жорий қилиш;

кохлеар имплантатларини ўрнатиш бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказишдан олдин ва ундан кейинги реабилитация жараёнини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ бепул амалга ошириш;

болаларни туғма, патологик ва орттирилган суяк-мушак тизимидаги ўзгаришлар ва деформацияларни даволаш учун зарур бўлган тиббиёт буюмлари ва эндопротезлар билан узлуксиз таъминлаш, жумладан экзоскелет ускунасини олиб кириш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг одатий ҳаётга мослашувини тезлаштириш;

бош миядаги патологик ўзгаришлар (жумладан, гидроцефалия) билан туғилган болаларнинг, шунингдек, янги туғилган чақалоқлар, болалар ва ўсмирлардаги туғма юрак нуқсонларининг жарроҳлик амалиётини ўтказишни давлат таъминотига олиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий электр юритмали ногиронлар аравачалари билан босқичма-босқич таъминлаш;

кўзи ожиз болалар ва катталарни ҳаёти учун зарур бўлган техник воситалар, жумладан овозли термометр, овозли тонометр ва йиғма Брайл алифбоси билан босқичма-босқич таъминлаш.

2. Эшитиш қобилияти заиф болаларни даволашни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг одатий ҳаётга

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

мослашувини осонлаштириш борасида 2021 йил ва келгуси йилларда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

2021 йил якунига қадар 2 минг дона замонавий эшитиш мосламаларини харид қилиш ва уларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган эшитиш қобилияти заиф болаларга етказиш;

2021 йилда харид қилиниши режалаштирилган 260 та кохлеар имплантатларига қўшимча равишда 355 та кохлеар имплантатларини харид қилиб, уларни 5 ёшгача болаларга жарроҳлик амалиёти орқали ўрнатиш;

2021 йилда қўшимча 2 минг нафаргача, 2022 йилдан бошлаб эса ҳар йили 3 минг нафаргача болага туғма юрак нуқсони ҳамда бош миядаги патологик ўзгаришлар (жумладан, гидроцефалия) бўйича жарроҳлик амалиётларини ўтказиш;

ҳар йили камида 110 нафар бемор бола учун транспедикуляр тизим (фиксаторлар) тўпламларини харид қилган ҳолда, уларда сколиоз ва умуртқа поғонасининг бошқа патологияси бўйича жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш;

йилига ўртача 1 000 нафар болага туғма ва патологик сон чиқишини жарроҳлик амалиётлари орқали даволаш учун зарур металл конструкцияларини сотиб олиш;

ҳар йили камида 140 нафар бемор болада кўкрак қафаси деформациясини даволаш учун 150 та махсус пластиналарни харид қилиш ва ўрнатиш;

бемор болаларга туғма оёқ-қўл патологияларини даволаш учун 350 та Илизаров аппаратларини харид қилиш;

ҳар йили камида 100 нафар бемор болага жарроҳлик амалиётлари давомида суяк дефектларини тўғрилаш учун коллопан гранулаларини харид қилиш;

болалар церебрал фалажи, умуртқа поғонасининг патологик синиши билан касалланган болалар ва катталарда мустақил юриш функцияларини қайта тиклаш учун Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва унинг ҳудудий марказларини 2021 — 2023 йилларда 54 та, шундан 2021 йилда 14 та замонавий экзоскелет ускунаси билан таъминлаш;

2021 — 2025 йилларда 11,6 минг дона, шу жумладан 2021 йилда 1 100 дона электр юритмали кресло-аравачаларини ногиронлиги бўлган шахслар учун харид қилиш;

кўзи ожиз болалар ва катталарни 9 минг дона овозли термометр, 10 минг дона овозли тонометр, 20 минг дона йиғма Брайл алифбоси билан таъминлаш;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар оғир ва фавқулудда вазиятларга тушганда уларга тезкор ёрдам кўрсатиш ҳақида хабар беришнинг инновацион лойиҳасини амалиётга жорий этиш. Бунда, 2021 йилда 5 мингтагача ва 2022-2023 йилларда 12 мингта махсус функцияга эга соатнинг («Ақлли соат») Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тегишли тоифадаги шахсларга етказиб берилишини йўлга қўйиш.

3. 2022 йил 1 майга қадар «Ижтимоий хизмат» электрон платформаси ишлаб чиқилсин ва ишга туширилсин.

Белгилансинки, платформа:

тиббий-ижтимоий хизматлар соҳасида хизматларни ахборот-коммуникацион технологиялари асосида кўрсатиш бўйича махсус электрон дастурий таъминот ҳисобланади;

протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситаларига муҳтож бўлган шахсларнинг шаффоф электрон навбат тизимини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш, уларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашга хизмат қилади;

протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларининг яроқлилик муддатини назорат қилиш, уларга қутилаётган эҳтиёжни аниқлаш, мазкур мосламалар ва воситалар билан ўз вақтида таъминлашни амалга ошириш учун барвақт зарур захира яратиш имконини беради;

ногиронлиги бўлган шахс ёки унинг вакили томонидан тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор мурожаат қилиш каби масалаларни ўз ичига олади.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мазкур қарорнинг 1 — 3 бандларида назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун 2021 йилда Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратсин, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни инобатга олсин.

5. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш (Б.А. Мусаев):

бир ой муддатда мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларида белгиланган вазифаларни 2021 йил ва келгуси йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини, шунингдек, 3-бандида белгиланган платформани яратиш, унинг буюртмачисини аниқлаш ҳамда келгусида техник қўллаб-қувватлаш ва модернизация қилиб боришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

икки ой муддатда тегишли жамоат ташкилотлари ва малакали мутахассислар билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини неонаталь скринингдан ўтказишни тўлиқ жорий этиш бўйича таклиф киритсин;

зарур ҳолларда мамлакатдаги эпидемиологик вазият, тиббиёт муассасаларининг пандемия давридаги юкмаси ҳамда амалдаги эҳтиёжлардан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг 2-бандида белгиланган кўрсаткичларга ўзгартириш киритсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда:

жойлардаги инфратузилмаларнинг ногиронлиги бўлган шахслар учун

қулайлигини босқичма-босқич таъминлашга йўналтирилган чораларни, шу жумладан янги қурилаётган объектлар, йўл инфратузилмаси, фаолият юри-таётган жамоат транспорти ва ижтимоий инфратузилма объектларида ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан бўлган талабларга риоя этилишини таъминласин;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватласин, улар билан ижтимоий шериклик тўғриси-даги битимларини тузсин;

ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, ижти-моий ҳаётда фаоллигини ошириш, улар учун маърифий ва маданий-омма-вий тадбирларни ташкил этиш каби масалалар юзасидан лойиҳаларни амалга оширсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков, соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М. Кенжаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот кири-тилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 август,
ПҚ-5217-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**477 «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида***

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзликни сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш мақсадида:

1. Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузураридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, «Тараққиёт стратегияси» марказининг улар муассислигидаги нодавлат нотижорат ташкилоти — «Ватандошлар» жамоат фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Фонд фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, ватандошлар истиқомат қилаётган мамлакатларнинг қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

хорижда мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган ватандошларни белгиланган тартибда моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ахборот жиҳатидан ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

хорижда юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш;

ватандошлар томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмалари фаолиятини рағбатлантириш, уларга хорижда ўзбек миллий маданий марказларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

хорижий давлатларнинг таълим ўзбек тилида олиб борилаётган муассасаларида педагог кадрларга бўлган мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, хо-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 августда эълон қилинган.

рижда истиқомат қилаётган иқтидорли ватандошларимизнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олишларига кўмак кўрсатиш;

ривожланган хорижий давлатларда яшаб келаётган олим ва ижодкор ватандошларимизнинг юртимиз нуфузини оширишга қаратилган илмий, ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш;

хорижда ватандошлар томонидан ташкил этиладиган нуфузли тадбирларда мамлакатимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, фан арбоблари, диний уламолари, маданият ва санъат вакиллари, спортчилари иштирокини таъминлашда кўмаклашиш;

хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни Ўзбекистон худудида тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга фаол жалб қилиш;

хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар билан таъминлашга қаратилган интерфаол электрон портални юритиш;

хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар дуч келаётган муаммоларни тизимли асосда таҳлил қилиб бориш ва уларнинг ечими юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

миграция ва таълим соҳаларида шартномавий-ҳуқуқий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли давлат органларига киритиб бориш;

Фонд Уставига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш.

3. Қўйидагилар:

«Ватандошлар» жамоат фондининг васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Фонднинг Васийлик кенгаши) — Фонднинг олий органи;

Васийлик кенгаши томонидан шакллантириладиган Фонд Бошқаруви — Фонднинг ижро органи ҳисобланиши инobatга олинсин.

4. «Ватандошлар» жамоат фондининг васийлик кенгаши таркиби иловага* мувофиқ маъқуллансин.

5. Фонднинг Васийлик кенгашига:

бир ой муддатда Фонднинг Устави, ташкилий тузилмаси ва Фонд Бошқаруви аъзоларини тасдиқлаш, шунингдек, Фонд Бошқарувини малакали кадрлар билан тўлдириш;

хар йили Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини, даромад ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларни тасдиқлаш;

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, ҳомийларни жалб этиш тавсия этилсин.

6. Қўйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат субсидияси ва давлат ижтимоий буюртмаларидан келиб тушадиган маблағлар;

муассислар томонидан ажратиладиган маблағлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юридик ва жисмоний шахслар, хорижий ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг грантлари;

Фонд маблағларини тижорат банкларида депозитга қўйишдан олинadиган даромадлар;

Фонднинг тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромадлар (фойда); қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ҳар йили асосланган буюртманома асосида Фонднинг асосий вазифаларини бажариш доирасидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни молиялаштириш учун субсидия шаклида зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш тавсия этилсин.

8. Фондни ташкил этиш учун зарур бўлган дастлабки маблағ сифатида Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 5 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган маблағ:

бир ой муддатда Молия вазирлиги томонидан муассислардан бири сифатида ўз номидан Фондга ўтказилади;

Фонд жойлаштириладиган хизмат хоналарини таъмирлаш, уларнинг зарур техника билан жиҳозланиши, автотранспорт воситалари, офис анжомлари, мебель ва алоқа воситалари билан таъминланиши, шу жумладан кенг полосали Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши, шунингдек, тижорат банклари депозитларига маблағ қўйиб, даромад олиш учун сарфланади.

9. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш шартларига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тенглаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда мазкур бандни амалга ошириш мақсадида қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Ш.Ш. Миноваров ва А.А. Абдувахитов — Фонднинг фаолиятини самарали ташкил этиш, ушбу масалада барча давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда;

Вазирлар Маҳкамасининг Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти (М.А. Хайриддинов) — Фонднинг хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларини амалга оширишда;

Ташқи ишлар вазирлиги (Ф.Н. Арзиев) — Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари орқали Фонднинг хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда хориждаги тадбирларни ташкил этишда;

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (Р.Ж. Курбанов) — Фонднинг ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан алоқаларини йўлга қўйишда, шунингдек, хорижий давлатларда фаолият юритаётган ўзбек миллий маданий марказлари ва жамиятлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда;

Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) — Фонд маблағлари ҳисобидан хорижда ўзбек тилида таълим олиб бориладиган мактаб ўқувчиларини дарслик ва бадий адабиётлар билан таъминлаш, педагог ходимлар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳамда мактабларни қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлашда;

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков), Бадий академия (А.В. Нуридинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов) — хорижда ватандошлар билан биргаликда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ҳамда уларда маданият ва санъат вакиллари, таниқли ёзувчи ва шоирларнинг иштирок этишини Фонд маблағлари ҳисобидан таъминлашда;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Б.Н. Абидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) — Фонд томонидан республика ҳудудида тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга жалб қилинган ватандошларга тегишли лойиҳаларни амалга оширишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги бошқа муассислар ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Фонднинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

12. Фонднинг Васийлик кенгашига икки ой муддатда Фонднинг 2021 йилга мўлжалланган фаолият дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

13. Фонд Ташқи ишлар вазирлиги биносига вақтинчалик текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

14. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Фонднинг мурожаатига асосан, уни телекоммуникация хизматлари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ташқи ишлар вазирлиги бошқа муассислар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар қилиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси М.А. Хайриддинов ва ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Н. Арзиев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Ш.Ш. Миноваров ва А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 август,
ПҚ-5220-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

478 Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иқтисодий тадқиқотлар сифати ва ролини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган ташаббусларнинг сифатини, олиб бориладиган ислохотлар натижадорлигини тубдан ошириш, шунингдек, 2022 — 2026 йилларда ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурларни илмий асосланган инновацион ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (кейинги ўринларда — Марказ) зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини илмий асосланган таклиф ва тавсиялар билан доимий равишда таъминлаб бориш;

жойларда мавжуд ресурслар базасини ўрганиш орқали иқтисодиёт тармоқларида янги ишлаб чиқариш занжирларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар чоракда туманлар кесида аҳоли орасида сўровлар ўтказиб бориш;

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиши жараёнларининг миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиб бориш ҳамда мазкур йўналишларда илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ваколатли идораларга тақдим этиб бориш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 августда эълон қилинган.

саноатда кластерлар фаолиятини ривожлантириб бориш бўйича илғор халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш орқали илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиб, ваколатли идораларга тақдим этиб бориш;

замонавий ахборот технологиялари ва идоралараро интеграциялашган маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига долзарб муаммоларни бартараф этишга қаратилган бизнес таҳлилларни тақдим этиб бориш;

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиб бориш.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Марказ тузилмасида:

Саноат кластерлари фаолиятини ривожлантириш шўъбаси;

IT-технологияларни жорий этиш ва маълумотлар базасини интеграциялаш шўъбаси;

Жамоатчилик билан алоқалар ва маркетинг шўъбасини ташкил этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида Марказнинг ҳудудий филиалларини тузиш.

3. Белгилансинки:

Марказнинг ҳудудий филиаллари юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилади;

ҳудудий филиаллар ходимлари Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ҳудудий филиаллар илмий ходимларига Марказ ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва тиббий хизмат кўрсатиш тартиби татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари Марказга ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати бўйича мавжуд маълумотлар базаларидан фойдаланишга руҳсат беради ва ҳудудлар бўйича маълумотлар базасини интеграциялашга кўмаклашади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Марказнинг ҳудудий филиалларига мазкур қарор билан юклатилаётган вазифаларни самарали бажаришлари учун ҳар томонлама ёрдам беради.

6. Белгилансинки, ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2021 йилда Инновацион ривожланиш вазирлигига давлат илмий дастурлари доирасида бажариладиган илмий лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади, 2022 йилдан эса

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Марказнинг худудий филиаллари олий ўқув юртарининг биноларида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иқтисодий тадқиқотлар сифати ва ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4471-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 август,
ПҚ-5223-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 13 августдаги
ПҚ-5223-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил
3 октябрдаги «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда
иқтисодий тадқиқотлар сифати ва ролини ошириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4471-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 9-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

479 Худудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Худудларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш орқали ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллалар билан манзилли ишлаб, «ўсиш нуқталари»ни ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромади ва харид қобилиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5214-сон қарорига мувофиқ «маҳаллабай» ишлаш асосида «оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича «Андижон тажрибаси»ни республиканинг бошқа худудларида ҳам татбиқ этиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан давлат улушига эга бўлган тижорат банкларига алоҳида тасдиқланадиган тақсимотга асосан 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар ажратилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Маҳаллабай» ишлаш тизими орқали «оғир» маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларда оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш ва ишсизликни бартараф этишнинг (Андижон тажрибаси) устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, жумладан, «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш;

аҳолининг доимий даромад манбаларини янада кўпайтириш, оилавий тадбиркорликни ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятини янада кенгайтириш чораларини кўриш;

маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган ташаббускорларни бизнес асосларига ўқитиш;

хонадонларда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, даромадлили-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 августда эълон қилинган.

гини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом ашё билан имтиёзли кредитлар асосида таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш учун «етакчи» тадбиркорлик субъектларини бириктириш;

тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ва фаолиятини мониторинг қилиб бориш, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти (хизмати) бозорини топишига ёрдам бериш.

3. Ривожланишда орқада қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг даромад манбаини яратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

«етакчи» тадбиркорлар етарли тадбиркорлик тажрибасига ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолияти маҳалла ихтисослашувига мос бўлган, хонадонларни кооперация асосида юқори даражада қамраб оладиган, «оғир» маҳаллаларда ўз бизнесини ривожлантириш дастурига эга бўлган тадбиркорлар орасидан танлаб олинади;

тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларига 3 йил муддатгача йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади;

хар бир «оғир» маҳаллага ажратилган 2 млрд сўм маблағларнинг 10 фоизигача бўлган қисми уларнинг тегишли ихтисослашув йўналишларида биттадан намуна ва ўртак кўрсатадиган тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилади;

«етакчи» тадбиркорларга кооперация асосида ишлаётган фуқаро томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) маҳсулотларни сотиб олиш ёки шартномага асосан фуқарога ойлик иш ҳақи тўлаш шarti ўрнатилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

а) бир ой муддатда:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда танлаб олинган «оғир» маҳаллалардаги аҳолининг турмуш шароити, истак-хоҳиши ва имкониятларини ўрганиб чиқсин;

«оғир» маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни тасдиқласин. Бунда, хар бир маҳаллада аҳолининг азалдан шаклланган меҳнат кўникмасидан келиб чиқиб, энг самарали «ўсиш нуқталари» сифатида — ҳунармандчилик, ко-сибчилик, томорқа ва иссиқхона хўжалиги, гулчилик, чорвачилик, паррандачилик ва кичик ишлаб чиқариш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин;

б) икки ой муддатда «етакчи» тадбиркорлик субъектларини белгиланган тартибда танлаб олсин ва «оғир» маҳаллаларга бириктирсин;

в) «оғир» маҳаллалардаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ис-

таги бўлган аҳолини «етакчи» тадбиркорлар билан боғлаш ёки ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тижорат банклари билан биргаликда икки ҳафта муддатда хонадонларда кичик тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишда аҳоли фойдаланиши учун қулай бўлган бизнес-режалар акс этган қўлланма ишлаб чиқсин ва аҳолига етказсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, тижорат банклари кредитларни сектор раҳбарлари томонидан «оғир» маҳаллада тадбиркорликни ҳамда иқтисодий кооперацияни ривожлантириш бўйича «йўл хариталар» ва дастурлар Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказида ҳимоя қилиниб, унинг ижобий хулосаси олингандан сўнг ажратади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5154-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан «етакчи» тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 40 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банклари орқали ҳамда иссиқхона массивларини барпо этиш ва аҳоли хонадонларида иссиқхоналар ташкил этишни молиялаштиришга 40 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар «Агробанк» акциядорлик тижорат банки орқали ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

«Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банклари томонидан ушбу банднинг 1-хатбошида назарда тутилган маблағларни тижорат банкларига қайта молиялаштиришга рухсат берилди;

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан кредитлар кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектларига майдони 10 сотихдан 50 сотихгача бўлган замонавий иссиқхоналар барпо этиш учун Марказий банкнинг асосий ставкасида 7 йил муддатгача ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзоқов:

хар икки ҳафтада ҳудудларга чиқиб, «маҳаллабай» ишлаш тизими асосида амалга оширилаётган ишларни ўрганиб борсин;

шаҳарлар ва туманларда доимий равишда «маҳаллабай» ишлаш тизимининг самарали ишлашини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва вилоят ҳокимликлари янги тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиши бўйича доимий мониторинг олиб борсин ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағал-

ликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 август,
504-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 августдаги 504-сон қарорига
ИЛОВА

**Ривожланишда орқада қолаётган ҳамда ишсизлик
даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда аҳоли
бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг даромад
манбаини яратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ривожланишдан орқада қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали оилаларнинг меҳнатга лаёқатли ишсизлари бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг доимий даромад манбаини яратишнинг тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

секторлар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиял ишчи тузилмаси (кейинги ўринларда — секторлар);

бошқарув офиси — секторлар ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан ташкил этилган республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бошқарув офиси;

«оғир» маҳалла — секторлар томонидан ўрганиш давомида аниқланган ижтимоий аҳоли оғир ва ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ихтисослашуви бўлмаган маҳалла;

«етакчи» тадбиркор — етарли тадбиркорлик тажрибаси ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолиятини маҳалланинг ихтисослашувига мос равишда ташкил этадиган, хонадон аъзоларини кооперация асосида бирлаштириб, махсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) ёки хизмат кўрсатишга буюртма бериш, бириктирилган аҳолига кўникмаларни ўргатиш ва улардан тайёр махсулотни сотиб олишни ўз зиммасига оладиган ташаббускор.

2-боб. Аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг даромад манбаини яратиш бўйича амалга ошириладиган асосий вазифалар

3. Туман ва шаҳар сектор раҳбарлари томонидан «оғир» маҳаллаларни аниқлаш қуйидаги босқичлардан иборат:

биринчи босқич: ҳар бир хонадон ўрганилиб, қуйидаги 3 тоифага ажратилади:

а) намунали хонадон — даромади юқори, ўзгалар ёрдамига эҳтиёжи бўлмаган бир ёки ундан кўп оила яшайдиган хонадон;

б) ўрта хонадон — жонбошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори бўлсада, оила аъзолари ичида ишсиз ёки тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бор хонадон;

в) эҳтиёжманд хонадон — жонбошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам, оила аъзолари ичида меҳнатга лаёқатли бир ёки ундан кўп ишсизлар мавжуд хонадон;

иккинчи босқич: хонадонларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллалар 3 тоифага бўлинади:

а) намунали маҳалла — жами хонадонлар сонига нисбатан намунали хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳалла бўлган маҳалла;

б) ўрта маҳалла — жами хонадонлар сонига нисбатан ўрта хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳалла;

в) «оғир» маҳалла — жами хонадонлар сонига нисбатан эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан юқори бўлган маҳалла.

4. Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, секторлар бошқарув офислари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул раҳбарлари томонидан «оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

маҳаллалардаги ҳар бир хонадонда аҳолининг турмуш шароити, хоҳиш-истаги ва имкониятлари ўрганиб чиқилади;

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун «ўсиш нуқталари» аниқланади;

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб ҳар бир тадбиркорлик йўналишига салоҳиятли «етакчи» тадбиркорлар бириктирилади;

маҳаллалардаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган аҳоли «етакчи» тадбиркорларга бириктирилади ёки ўзининг тадбир-

корлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашади (тадбиркорликка ўқитиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит ажратиш ва бошқа масалалар).

5. Хонадонлар қуйидаги мезонлар асосида ўрганиб чиқилади:

доимий даромадга эгаллиги (ўрта ҳолатдаги), ёрдамга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги;

сўнги уч йил давомида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит олганлиги;

мавсумий ёки норасмий даромади мавжудлиги;

«етакчи» тадбиркор билан ишлаш истаги мавжудлиги;

ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги борлиги;

доимий ишга жойлашишга эҳтиёжи борлиги;

меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари мавжудлиги;

ишлаш истаги йўқ хонадон аъзолари мавжудлиги.

6. Ўтказилган хатлов натижасида:

ўзининг мустақил тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўрнатилган тартибда кредитлар ажратиш чоралари кўрилади;

ўқиш истаги бўлган фуқаролар учун Савдо-саноат палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этилади;

доимий ишга жойлашишда эҳтиёжи бўлган фуқаролар учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан туман ва шаҳарлардаги бюджет ташкилотлари ҳамда хусусий сектордаги мавжуд вақант жойлар аниқланиб, уларга ишсиз аҳолини жалб этиш чоралари кўрилади;

Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўзини ўзи банд қилган аҳоли фаолиятини легаллаштириш ишлари амалга оширилади;

маҳаллий ҳокимликлар томонидан умуман тадбиркорлик қилиш салоҳияти ва ишлаш имконияти бўлмаган оилаларга доимий даромад манбаига эга бўлиши учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 50 — 100 тадан хонаки товуқ тарқатиш чоралари кўрилади.

3-боб. Аҳолини «етакчи» тадбиркорларга бириктириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ва даромад манбаини яратиш

7. Туман ва шаҳар ҳокимликлари «оғир» маҳаллаларда «етакчи» тадбиркор билан ишлаш истаги бўлган ташаббускорларни ўқитиш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом ашё билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқарган (етиштирилган) маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш учун уларга «етакчи» тадбиркорларни бириктиради.

8. «Оғир» маҳаллага бириктирилган «етакчи» тадбиркор кооперация асосида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳал-

ла ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ янги иш ўринлари яратиш бўйича ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда — «етакчи» тадбиркор дастури) сектор бошқарув офиси билан биргаликда ишлаб чиқади ва тегишли сектор раҳбарига тақдим этади.

9. Сектор раҳбарлари «етакчи» тадбиркор дастурини кўриб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бошчилигида тузилган Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказида (кейинги ўринларда — Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази) ижобий хулоса бериш учун химоя қилади.

10. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан «етакчи» тадбиркор дастурини амалга ошириш ва унга имтиёзли кредит ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса берилади. Ушбу ижобий хулоса тижорат банклариغا имтиёзли кредит ажратиш учун берилади.

«Етакчи» тадбиркор дастури белгиланган талабга жавоб бермаса, шунингдек, маҳалла ихтисослашувига мос келмайдиган, янги иш ўринлари кам яратиладиган дастурлар тадбиркорга қайта ишлаш учун юборилади.

11. «Етакчи» тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредит суммасининг 75 фоизи миқдоригача кафиллик берилади.

4-боб. Томонларнинг мажбуриятлари

12. «Етакчи» тадбиркорга туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан қуйидаги вазифалар юклатилади:

ўз дастури доирасида кооперация асосида ишсиз аҳоли билан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом ашё билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқарилган (етиштирилган) маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш бўйича бириктирилган хонадон билан шартнома тузиш;

хонадонларнинг ишларни ташкил қилишида уларга маслаҳат, техник-иқтисодий жиҳатдан кўмак берувчи маслаҳатчилар бириктириш ҳамда ушбу маслаҳатчининг ҳар ҳафтада камида бир маротаба маҳсулот ишлаб чиқараётган (етиштираётган) оилаларга кириб, улар билан ишлашини ташкил этиш;

хонадонларда маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) жараёнида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида агротехник, зооветеринария ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиб борилишини таъминлаш;

фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва инновацияларини ўз бизнес соҳасига мунтазам жорий этиб бориш;

шартнома бўйича кооперация асосида ишлаётган оилаларни ўз вақтида зарур хом ашё маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб бориш;

ишлаб чиқариладиган (етиштириладиган) маҳсулотлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.

ҳар бир «оғир» маҳаллада уларнинг тегишли ихтисослашув йўналишларида биттадан намуна ва ўртак кўрсатадиган тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш ва бу орқали аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш, иш юритишга қизиқишини уйғотиш, оғир шароитдаги оилаларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш.

13. «Етакчи» тадбиркор кооперация асосида ишлаётган фуқаро томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) маҳсулотларни сотиб олишга ёки шартномага асосан фуқарога ойлик иш ҳақи тўлашга мажбур.

14. «Оғир» маҳалла раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

маҳаллага бириктирилган «етакчи» тадбиркор билан биргаликда маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаролар, айниқса, ёшлар ва аёлларга тадбиркорлик бўйича маслаҳатлар беради, уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида кўмаклашади;

маҳалладаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган аҳоли ўртасида «етакчи» тадбиркорлар билан шартнома асосида ишлаш бўйича тушунтириш ишларини ташкил этади;

маҳалланинг қадимий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда хонадонларни оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланишга жалб қилади;

ишсиз аҳоли рўйхатини шакллантиради ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда уларни ишга жойлаштириш чораларини кўради;

маҳаллада ишлаш хоҳиши бўлмаган хонадон аъзоларини тадбиркорликка жалб қилиш ва даромад топишга қизиқтириш (мотивация бериш) бўйича тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб боради.

15. «Етакчи» тадбиркор билан кооперация асосида ишлаётган фуқаролар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва касб-хунарга ўқитиш бўйича ташкил этиладиган ўқув курсларида иштирок этиб, ўзининг билим ва кўникмаларини оширади;

«етакчи» тадбиркор билан шартнома асосида ишлаётган фуқаро тадбиркорлик қилиши учун берилган мол-мулкдан тўғри фойдаланилишига шахсан жавобгар бўлади;

берилган мол-мулкдан доимий ва самарали фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаради (етиштиради) ҳамда шартномага асосан ишлаб чиқарилган (етиштирилган) маҳсулотларни «етакчи» тадбиркорга етказиб берилишини таъминлайди;

маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) жараёнида юзага келаётган муаммолар тўғрисида ўз вақтида «етакчи» тадбиркорни хабардор қилади;

маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) жараёнини назорат қилиш ва кўмаклашиш бўйича «етакчи» тадбиркор томонидан бириктирилган масла-

ҳатчининг ҳар ҳафта иш жараёни билан танишиб боришига имконият яратиб беради.

5-боб. «Етакчи» тадбиркорга имтиёзли кредит ажратиш тартиби

16. Тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш учун «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларига 3 йил муддатгача йиллик 10 фоиз ставкасида битта маҳаллага 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади.

17. «Етакчи» тадбиркор тижорат банкига имтиёзли кредит олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ариза;

б) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг ижобий хулосаси;

в) маҳсулот олди-сотди шартномаси (мавжуд бўлганда);

г) бизнес-режа;

д) тегишли давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл) (янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно);

е) кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини:

мол-мулк (шу жумладан, кредит ҳисобига олинаётган мол-мулклар) гарови;

учинчи шахс кафиллиги;

суғурта полислари;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги;

қонунчилик ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари.

Молиялаштириладиган «етакчи» тадбиркор дастури хусусиятидан келиб чиқиб, банк томонидан ички кредит сиёсати мувофиқ бошқа ҳужжатлар сўралиши мумкин.

18. Тижорат банки ички кредит сиёсати асосида кредит ажратиш масаласини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

6-боб. Ажратилган кредит мақсадли ишлатилиши устидан мониторинг ўрнатиш тартиби

19. «Етакчи» тадбиркорга ажратилган кредит мақсадли ишлатилиши устидан тижорат банки ва бошқарув офиси томонидан доимий мониторинг ўрнатилади. Бунда:

«етакчи» тадбиркор томонидан шартномага асосан тегишли фуқарога маҳсулот етказиб берилиши ёки хизмат кўрсатилиши;

«етакчи» тадбиркор ва фуқаро ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб жараёнлари кузатиб борилади.

20. Маҳаллада «етакчи» тадбиркор томонидан кредит маблағларини «етакчи» тадбиркор дастурида белгиланмаган мақсадларга ишлатилган тақдирда, ушбу тадбиркорга мазкур мақсадда ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банк асосий ставкасининг 2 баробари миқдоридаги фоиз ставкасига ўзгартирилиб, кредит фоиз харажатлари миқдори кредитдан умумий фойдаланиш даврига қайтадан ҳисобланади.

21. «Етакчи» тадбиркор олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзларни тузилган шартномага мувофиқ тасдиқланган кредит қайтариш режа-графикига асосан ўз муддатларида ўрнатилган тартибда сўндириб боради.

7-боб. Яқуний қоидалар

22. Республика ҳудудларида «маҳаллабай» ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича республика комиссияси ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

480 Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 августда эълон қилинган.

хусусий шерикнинг ва (ёки) кредиторнинг (кредиторларнинг) манфаатларини химоя қилиш мақсадида қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги турларини тақдим этиши мумкинлиги белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

субсидиялар, шу жумладан, хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муайян миқдорини ёки бир қисмини истеъмол қилганлик ёки улардан фойдаланганлик учун тўловга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари;

бюджет ссудаларини, қарзларини, грантларини, кредит линияларини ва молиялаштиришнинг бошқа турларини бериш;

инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ўзаро келишувга кўра қўшимча кафолатлар;

солиқ имтиёзлари ва преференциялари, шунингдек, бошқа имтиёзлар; бошқа кафолатлар ва (ёки) компенсациялар.

2. Қуйидагилар:

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида давлат-хусусий шериклик объектини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатларини ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида консалтинг хизматларини жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар, бюджет ссудалари, кредит линияларини бериш тартибини назарда тутувчи Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг манзилли рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб давлат-хусусий шериклик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мезон ва шартларга мос келадиган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар учун назарда тутилган маблағлар доирасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини шакллантириб, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан талаб этиладиган маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 август,
509-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 11 августдаги 509-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини
молиялаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда — ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линияларини бериш тартибини белгилайди.

2. ДХШ лойиҳалари учун ажратиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари ҳисобидан ДХШ тўғрисидаги битимда белгиланган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилади.

Субсидиялар, шу жумладан, хусусий шерикнинг давлат-хусусий шерик-

лик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар ДХШ тўғрисидаги битимда инobatга олинган ҳолларда, ДХШ лойиҳалари доирасида товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилмаслик шarti билан хусусий шерикларга бериладиган пул маблағлари ҳисобланади.

Бюджет ссудаси ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида ДХШ тўғрисидаги битимда инobatга олинган ҳолларда хусусий шерикка, яъни резидент-юридик шахсга қайтариш шarti билан фoизсиз ёки фoизли асосда ажратилади.

Кредит линиялари ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан қайтариш шarti билан берилади.

3. ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ ДХШ лойиҳаларини қўйидаги харажатлари Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилади:

а) ДХШ объектини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатлари;

б) ДХШ объектини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари;

в) ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш доирасида консалтинг ва аудиторлик хизматларини жалб этиш билан боғлиқ харажатлар;

г) давлат-хусусий шериклик объектдан фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ва (ёки) объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланишни таъминлаганлик учун давлат шериги томонидан амалга ошириладиган харажатлар.

4. Мазкур Низом 3-бандининг:

«а» кичик бандида назарда тутилган харажатлар биринчи даражали ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорлари доирасида;

«б», «в» ва «г» кичик бандларида назарда тутилган харажатлар биринчи даражали ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг жорий харажатлари учун ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида амалга оширилади.

5. ДХШ лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари ҳисобидан:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари бўйича тегишинча ҳудудий молия органлари томонидан ҳар бир ДХШ лойиҳаси учун давлат шериги ва (ёки) давлат

шериги томонидан ваколат берилган ҳамда унинг тузилмасига кирувчи қуйи ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат шериги) учун алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш орқали молиялаштирилади.

**2-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини
Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет
маблағлари ҳисобидан молиялаштириш**

6. ДХШ лойиҳасининг концепцияси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ДХШ лойиҳаси учун мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган харажатлар (тўловлар) давлат шериги томонидан Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Давлат шериги томонидан ДХШ лойиҳасига Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағларини ажратиш бўйича бюджет сўрови давлат шеригига Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари доирасида тузилади.

8. ДХШ лойиҳасини Давлат бюджетидан молиялаштириш учун давлат шериги томонидан мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган тўловлар бўйича бюджет сўровларини тузиш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва (ёки) ҳудудий молия органлари (кейинги ўринларда — молия органлари) томонидан ДХШ лойиҳаси учун талаб этиладиган бюджет маблағларини ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш даври давомида ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда режалаштиради.

10. Давлат бюджети ҳисобидан ДХШ лойиҳалари учун режалаштирилган маблағлар молия органлари томонидан давлат шериги орқали хусусий шерикка ёки тўғридан-тўғри махсулот (хизмат) етказиб берувчи (кўрсатувчи)га ажратилади.

11. Бюджет сўровларини тақдим қилиш, харажатлар сметасини тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

12. ДХШ тўғрисидаги битим Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — ваколатли давлат органи) томонидан ДХШ лойиҳалари реестрига киритилгандан сўнг маблағлар давлат шериги томонидан Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига асосан юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаси ва тўлов топшириқномалари асосида хусусий шерикнинг тижорат банкдаги ҳисобварақларига ўтказилади.

13. Молия йили якунида давлат шеригининг шахсий ғазна ҳисобварақларида фойдаланилмай қолган Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли бюджетига қайтарилади ва кейинги йил бюджети ҳисобидан битимга асосан тўлаб берилади.

3-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини субсидия ажратиш орқали молиялаштириш

14. Субсидиялар, шу жумладан, хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар ДХШ тўғрисидаги битимда инобатга олинган ҳолларда, ДХШ лойиҳалари доирасида товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилмаслик шарти билан хусусий шерикларга бериладиган пул маблағлари ҳисобланади.

15. Агар имзоланган ва ваколатли давлат органи томонидан реестрга киритилган, ДХШ тўғрисидаги битимда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хусусий шерик субсидия олиш тўғрисидаги ариза (кейинги ўринларда — ариза) билан давлат шеригига мурожаат қилади.

16. Аризада юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган манзили (почта манзили), субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш манзили, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги махсус ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

17. Давлат шериги ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунда унинг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

18. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, давлат шериги ариза берувчини хабардор қилган ҳолда, аризани ўрганиб чиқиш муддатини қўшимча ўн иш кунига узайтиришга ҳақли.

19. Давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шериги субсидия ажратиладиган хусусий шерик ҳақидаги маълумотларни тегишли молия органига тақдим қилади.

20. Молия органи қўйидаги ҳолларда субсидия ажратилишини рад этишга ҳақли:

ДХШ тўғрисидаги битим ваколатли давлат органи томонидан юритиладиган тегишли реестрга киритилмаганда;

ДХШ тўғрисидаги битимда хусусий шерикка давлат бюджетидан субсидия бериш кўрсатилмаганда ёки сўралаётган субсидия миқдори битимда кўрсатилган субсидия миқдорларига номувофиқ бўлганда.

21. Молия органлари томонидан ДХШ лойиҳасига субсидия бериш рад этилган тақдирда, субсидия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар кўрсатилган ҳолда уч иш кунда давлат шеригига ёзма рад жавоби юборилади.

22. Давлат шериги ариза рад этилганлиги тўғрисида икки иш кун ичида мобайнида хусусий шерикни хабардор қилади. Хусусий шерик бир ой давомида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ва уларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, давлат шеригига ариза билан қайта мурожаат қилиши мумкин.

23. Давлат шериги томонидан қайта мурожаат қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ариза молия органлари томонидан қайта кўриб чиқилади ва субсидия ажратиш чоралари кўрилади.

24. Молия органлари томонидан белгиланган тартибда ДХШ лойиҳаси учун талаб этиладиган субсидиялар ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш даври давомида ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда режалаштирилади.

25. Давлат шериги томонидан субсидия маблағлари Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига асосан юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаси ва тўлов топшириқномалари асосида хусусий шерикнинг тижорат банкидаги ҳисобварақларига ўтказилади.

26. Молия йили якунида давлат шеригининг шахсий ғазна ҳисобварақларида фойдаланилмай қолган субсидия маблағлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли бюджетига қайтарилади ва кейинги йил бюджети ҳисобидан битимга асосан тўлаб берилади.

27. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида субсидия маблағлари ажратилиши мумкин.

4-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бюджет ссудалари ажратиш орқали молиялаштириш

28. Бюджет ссудаси — бир молия йили ичида олти ойгача бўлган муддатга фойсиз асосда ҳамда бир молия йилидан ортиқ, аммо уч молия йилидан ортиқ бўлмаган муддатга йиллик икки фойзли миқдорда берилади.

29. Бюджет ссудасини беришнинг мажбурий шарти улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш, шунингдек, бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатга мувофиқ уларни ўз вақтида қайтаришдан иборатдир.

30. Бюджет ссудаси давлат ва хусусий шерикларнинг бюджет ссудасига бўлган эҳтиёжини асословчи ҳисоб-китоблар асосида берилади.

31. Бюджет ссудаси олиш тўғрисидаги мурожаатда сўралаётган бюджет ссудасининг миқдори ва сўралаётган давр, шунингдек, бюджет ссудасини қайтаришнинг кафолатланган манбалари кўрсатилади.

32. Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқишда молия органи қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва ҳисоб-китобларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

33. Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги мурожаат тегишли молия органи томонидан мурожаат олинган санадан эътиборан беш иш куни ичида кўриб чиқилади ва унинг натижаси тўғрисида ариза берувчига хабар қилинади.

34. Бюджет ссудасини олиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш натижаси ижобий бўлган тақдирда, тегишли молия органи бир иш куни ичида ариза берувчини ажратиладиган бюджет ссудасининг миқдори, уни

ажратишдан мақсад ва белгиланган қайтариш муддатлари тўғрисида хабардор қилади.

35. Бюджет ссудасини бериш рад этилган тақдирда, тегишли молия органи бир иш куни ичида бюджет ссудаси бериш рад этилганлиги тўғрисида аниқ сабаблар ва асосларни кўрсатган ҳолда ариза берувчини хабардор қилади.

36. Ахборот ва ҳисоб-китоблар тақдим этилмаган ёки тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, бюджет ссудасини олиш учун мурожаат кўриб чиқилмайди ҳамда бюджет ссудасини бериш рад этилганлиги тўғрисида молия органи ариза берувчини икки иш куни ичида хабардор қилади.

37. Бюджет ссудасини ажратиш бюджет ссудасини бераётган молия органи ва бюджет ссудасини олувчи ўртасида тузиладиган бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартнома билан расмийлаштирилади.

38. Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини олувчида уни белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш имкониятини истисно этадиган молиявий қийинчиликлар юзага келган ҳолларда амалга оширилади.

39. Бюджет ссудасини қайтариш муддатлари келгуси молия йилига узайтирилганда, бюджет ссудасининг қайтарилмаган қисмидан йиллик икки фоиз миқдорида тўлов белгиланади ва бюджет ссудаси қайси тегишли бюджетлардан берилган бўлса, шу бюджетларга йўналтирилади.

40. Бюджет ссудасини олувчи, яъни хусусий шерик тегишли молия органига бюджет ссудасини тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги сўров билан уни тўлаш муддати тугашидан камида беш иш куни олдин мурожаат қилади.

41. Бюджет ссудаси бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда молия органи:

қарзни қарздордан сўзсиз тартибда ундиради;

хар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтказиб юборилган қарз суммасининг 0,033 фоизи миқдорида пеня ҳисоблайди.

5-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш

42. ДХШ лойиҳаларини кредит линиялари ҳисобидан молиялаштиришда ваколатли давлат органи учун алоҳида бюджетдан ташқари жамғарма шаклида шахсий ғазна ҳисобварақ (кейинги ўринларда — ғазна ҳисобварағи) очилади. ДХШ лойиҳаларига кредит линиялари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар ушбу ғазна ҳисобварағида жамланади.

43. Қўйидагилар ғазна ҳисобварағини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг ҳомийлик хайриялари, кредитлари (қарзлари) ва грантлари; белгиланган тартибда тижорат банклари томонидан тўлаб бериладиган кредит фоизлари бўйича маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

44. Ҳазна ҳисобварағидаги маблағлар ДХШ тўғрисидаги битим асосида объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, модернизация қилиш ва жиҳозлашга кредитларни бериш учун тижорат банкларига кредит линияларини очиш орқали тақдим этилади.

45. Ҳазна ҳисобварағидаги маблағлар доирасида кредитлар — тижорат банклари томонидан ДХШ тўғрисидаги битимга ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ ДХШ лойиҳаларини амалга оширувчи хусусий шерикларга белгиланган тартибда ажратиб берилади.

46. Ҳазна ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан кредит линияларини олувчи тижорат банклари — Молия вазирлиги томонидан тендер ўтказиш орқали аниқланади ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тендер комиссиясининг баёни билан расмийлаштирилади.

47. Ваколатли давлат органи тендер натижаларига кўра ғолиб деб топилган тижорат банклари билан Ҳазна ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан ДХШ лойиҳалари учун кредит линияларини ажратиш юзасидан бош келишув (кейинги ўринларда — бош келишув) тузади.

48. Ҳазна ҳисобварағи маблағлари ҳисобидан кредит линиясини ажратиш тўғрисида бош келишувни бир ёки бир неча тижорат банклари билан тузиши мумкин.

49. Ваколатли давлат органи томонидан ушбу Низом доирасида ажратиладиган маблағлар тижорат банкининг биринчи даражали регулятив капиталдан ошиб кетмаслиги лозим.

50. Бош келишув имзолангандан сўнг ваколатли давлат органи ва тижорат банк ўртасида кредит линиясини очиш бўйича шартнома (кейинги ўринларда — шартнома) тузилади. Шартнома имзолангандан сўнг ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай шартномада кўрсатилган сумма тижорат банкининг шартномада кўрсатилган ҳисобварағига тўлаб борилади.

51. Кредит линиялари учун ажратилган маблағлар — ваколатли давлат органининг Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг Ҳазна ижроси қоидаларига асосан юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаси ва тўлов топшириқномалари асосида Ҳазна ҳисобварағи орқали тижорат банкларининг ҳисобварақларига ўтказилади.

52. Кредит линиялари ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар тижорат банкларида алоҳида ҳисобварақда жамланади ва шартномада белгиланган муддатларда ваколатли давлат органининг Ҳазна ҳисобварағига ўтказиб берилади.

53. Кредит линиясининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг кредит олувчилар томонидан кредитнинг амалда қайтарилишидан қатъи назар, тижорат банклари кредит линияси бўйича олинган кредитларни ҳисобланган

фоизлар билан бирга ваколатли давлат органнинг ғазна ҳисобварағига қайтариши шарт.

54. Тижорат банклари томонидан кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаётганлиги аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи кредит линиясининг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

55. Тижорат банклари кредит линияларини ўзлаштириш ҳолати тўғрисида ҳар чоракда ваколатли давлат органига кредит олувчилар рўйхатини илова қилган ҳолда ҳисобот тақдим этиб боради. Мазкур ҳисоботлар асосида ҳар чоракда тижорат банки ва ваколатли давлат органи ўртасида маблағларнинг ишлатилиши ҳақида ўзаро солиштирама далолатнома тузилади.

56. ДХШ лойиҳалари учун ажратиладиган кредит линиялари маблағлари қуйидаги мақсадлар учун берилмайди:

илгари олинган банк кредитларини ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачи ва умумий овқатланиш ташкилотлари айланма маблағларини шакллантириш;

кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда улар учун ускуналар сотиб олиш;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган хусусий мулкни сотиб олиш;

маъмурий харажатларни тўлаш, шу жумладан, хизмат автомобилларини харид қилиш;

алоқа хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларда кредит берилмаслиги назарда тутилган бошқа товар (иш, хизмат)лар.

57. Тижорат банклари кредит бериш учун кредит олувчилардан ваколатли давлат органи томонидан давлат реестрига киритилган ДХШ тўғрисидаги битим нусхасини талаб қилиб олишга ҳақли.

58. Қарз олувчилар кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тижорат банкига қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этади:

мол-мулк гарови;

банк ва (ёки) суғурта компаниясининг кафолати;

қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

ДХШ тўғрисидаги битимда кўрсатилган ва ДХШ лойиҳасига киритилган давлат шеригининг объектлар, шунингдек, ДХШ тўғрисидаги битим даври мобайнида харид қилинган бошқа мол-мулклар кредит таъминоти ҳисобланмайди.

59. Тижорат банклари томонидан кредитлар 3 — 15 йиллик муддатга 3 — 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридagi фоиз ставкасига тижорат банкининг 2 фоиздан кўп бўлмаган маржани қўшган ҳолда тақдим этилади.

Бунда кредитлар ДХШ лойиҳаси умумий қийматининг 80 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ажратилади.

60. Ваколатли давлат органининг газна ҳисобварағига келиб тушган кредит фоизлари ҳисобига шакланган маблағлар кредит линияларини очиш орқали тижорат банкларига белгиланган тартибда қайта жойлаштирилади. Ушбу бандда назарда тутилган маблағларнинг вақтинча бўш турган қисми тижорат банкларида депозитга ҳам жойлаштирилиши мумкин.

61. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида кредит линиялари очилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

62. Давлат шериги бюджет соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар чоракда ДХШ лойиҳалари учун ажратилган маблағларнинг ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига тақдим этиб боради ҳамда чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

63. Молия органига тақдим этилган ҳисоботларнинг асослилиги ва тўғрилиги, шунингдек, белгиланган муддатларда тақдим қилиниши учун давлат шериги ва хусусий шерик биргаликда жавобгар ҳисобланади.

64. ДХШ лойиҳалари учун режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линияларини ДХШ тўғрисидаги битимда назарда тутилган мақсадлардан ташқари бошқа мақсадлар учун сарфлаш қатъиян тақиқланади.

65. ДХШ лойиҳалари учун Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линияларининг мақсадли сарфланиши учун давлат шериги ва хусусий шерик жавобгар ҳисобланади.

66. ДХШ лойиҳалари учун Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линияларидан мақсадли фойдаланиш бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

67. Давлат шериги ва ваколатли давлат органи ДХШ лойиҳалари учун Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линияларидан фойдаланишда ДХШ тўғрисидаги битимда тасдиқланган муддатлар ва шартларга риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

68. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 11 августдаги 509-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 13 декабрдаги 1009-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи-тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер холиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиларидан ундириладиган бир марталик тўлов миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) қуйидаги мазмундаги 3-илова билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 13 декабрдаги 1009-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим
муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер
холиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиларидан
ундириладиган бир марталик тўлов миқдорлари**

Т/р	Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг қиймати	Бир марталик тўлов миқдори (фоизда)
1.	Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун	0,2%
2.	Умумий қиймати 10 млн АҚШ долларидан 100 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун	0,1%
3.	Умумий қиймати 100 млн АҚШ долларидан 1 млрд АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун	0,05%
4.	Умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳалар учун	0,02%

Изоҳ. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва тендер холиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиси ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ бир марталик тўловлар ундирила-

ди. Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун бир марталик тўловни ундириш татбиқ этилмайди».

в) 2-илова 22-бандига қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан ундириладиган бир марталик тўловларнинг 50 фоизи миқдоридagi ажратмалар»;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

22¹-банднинг тўртинчи хатбошидаги «лойиҳа ҳужжатлари» сўзлари «лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«консалтинг ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш»;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 9-бандга қўйидаги мазмундаги «н» кичик банд қўшилсин:

«н) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан ундириладиган бир марталик тўловларнинг 50 фоизи миқдоридagi ажратмалар»;

б) 10-бандга қўйидаги мазмундаги «г» кичик банд қўшилсин:

«г) давлат шеригининг айби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларни қоплаш».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

481 Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 90-сон буйруғи (рўйхат рақами 2905, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 756-модда) билан тасдиқланган Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 июль,
13-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил
26 июлдаги 13-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга
ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-
ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан
тиббий техникага энг кам талабларга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 1-боб қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Тиббий хизмат кўрсатиш «мобил тиббиёт» шаклида ташкил қилинганда махсус автотранспорт воситаси (тиркама) тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техника билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Бунда тиббиёт ходимлари учун белгиланган иш ўринлари автотранспорт воситасига (тиркамага) мослаштирилиши мумкин.

Тиббиётда қўлланиладиган стерилланган тиббий тўпламлар сони бир иш куни учун 25 тадан кам бўлмаганда, стериллаш ва дистиллашга мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари талаб этилмайди.»

2. 6-боб номидан «(дерматология)» деган сўз чиқариб ташлансин.

3. 8-бандда:

йигирма иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«дерматоскоп ёруғлик ости лупаси (дерматовенерология учун);»;

қуйидаги мазмундаги йигирма учинчи ва йигирма тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ширма (дерматовенерология учун);

шиллик қаватни кўриш учун фонарикли ручка (дерматовенерология учун);»;

йигирма учинчи — ўттиз биринчи хатбошилар тегишли равишда йигирма бешинчи — ўттиз учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 9-бандда:

йигирма бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«гинекологик кресло, дерматоскоп ёруғлик ости лупаси (дерматовенерология учун);»;

қуйидаги мазмундаги йигирма олтинчи — йигирма саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ширма (дерматовенерология учун);

шиллик қаватни кўриш учун фонарикли ручка (дерматовенерология учун);

вуда лампаси (дерматовенерология учун);»;

йигирма олтинчи — ўттиз учинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма тўққизинчи — ўттиз олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Қуйидаги мазмундаги 30⁴-боб билан тўлдирилсин:

**«30⁴-боб. Ўрта тиббиёт ходимларидан иборат
«тиббий пункт» бўйича**

54⁶. Ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган амбулатор типдаги «тиббий пункт»да қуйидагилар бўлиши лозим:
тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;
ўрта тиббиёт ходимлари учун иш столи;
стуллар;
кушетка;
штатив (суюқликларни томчилатиб қуйишга мўлжалланган) камида
2 дона;
совутгич (холодильник);
муолажа ўтказиладиган хоналарда стационар ҳолатдаги бактерицид
лампа;
тонометр ва фонендоскоп;
шпатель
бир марта қўлланиладиган шприцлар;
бир марталик чойшаблар, қўлқоплар, бинт, тампон, сочиқлар;
лейкопластръ;
дезинфекция воситалари ва ёрликланган идишлар;
ишлатиб бўлинган материал учун идишлар;
тиббиёт термометри.».

6. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

***Савдо-саноат
палатаси раиси***

А. ИКРАМОВ

2021 йил 23 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

482 «Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакилларини жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1425-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 85-сон «Дипломатик корпус, халқаро ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг жазони ижро этиш муассасаларига ташрифини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакилларини жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1425, 2004 йил 20 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 47-сон, 487-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 август,
239-сон

Келишилган:

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

А. АЗИЗОВ

2021 йил 30 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

*Бош прокурор**Н. ЙУЛДОШЕВ**2021 йил 12 июль**Ташқи ишлар вазири**А. КАМИЛОВ**2021 йил 19 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

483 Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 841-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Архив иши тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 21 августда 147-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида (рўйхат рақами 841, 1999 йил 25 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 14 августдаги 27/1-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоидага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 841-1, 2010 йил 8 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 312-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 июль,
17/4-сон

Келишилди:

**«Ўзархив» агентлиги
директори**

У. ЮСУПОВ

2021 йил 6 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

484 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3317

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ–4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 августда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 июль,
17/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
15 июлдаги 17/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 27/4-сон «Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1301, 2004 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 37-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/8-сон «Тижорат банклари томонидан шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1424, 2004 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 45-46-сон, 484-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/5-сон «Тижорат банклари томонидан шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1424-1, 2010 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 46-сон, 421-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/10-сон «Ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларни банклар томонидан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1426, 2004 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 47-сон, 489-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/11-сон «Тижорат банкларининг биргаликдаги фаолиятда иштирокининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш

ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1427, 2004 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 47-сон, 490-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/9-сон «Тижорат банклари томонидан қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1429, 2004 йил 2 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 48-49-сон, 499-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/5-сон «Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1431, 2004 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 50-сон, 506-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 26 июлдаги 13-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-5.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 5 августдаги 239-сон «Дипломатик корпус, халқаро ноҳуқумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалар вакиллари жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1425-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 15 июлдаги 17/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 841-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 15 июлдаги 17/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3317.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2004 йил 1 ноябр-

даги «Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалар вакиллари жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1425, 2004 йил 20 ноябрь).

2021 йил 10 августда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 21 августда 147-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида (рўйхат рақами 841, 1999 йил 25 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 841-1, 2010 йил 8 сентябрь).

2021 йил 10 августда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 27/4-сон «Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1301, 2004 йил 21 январь).

2021 йил 10 ноябрдан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/8-сон «Тижорат банклари томонидан шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1424, 2004 йил 19 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1424-1, 2010 йил 15 ноябрь).

2021 йил 10 ноябрдан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/10-сон «Ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларни банклар томонидан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1426, 2004 йил 23 ноябрь).

2021 йил 10 ноябрдан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/11-сон «Тижорат банкларининг биргаликдаги фаолиятда иштирокининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1427, 2004 йил 23 ноябрь).

2021 йил 10 ноябрдан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/9-сон «Тижорат банклари томонидан қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1429, 2004 йил 2 декабрь).

2021 йил 10 ноябрдан давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил

27 ноябрдаги 25/5-сон «Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1431, 2004 йил 17 декабрь).

2021 йил 10 ноябрдан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.